Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 126 (8426). 5 июль, 1984 йил | ПАЙШАНБА | Баҳоси 3 тийин.

ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 4 июль куни Кремлда донгдор ишчиларга, партия ва давлат арбобларига Совет Иттифоқининг олий мукофотларини топширди.

Иваново мовут комбинатининг тўқувчиси В. Н. Голубева билан Москва Сортировочная локомотив депосининг электровоз машинисти В. Ф. Соколов Ленин орденлари ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медаллари билан тақдирланди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Е. Шчербина, СССР халқ контроли комитетининг раиси А. М. Школьников, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари А. С. Дригин, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири В. А. Карлов Ленин орденлари ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медалларига сазовор бўлдилар.

Мукофотларни топшириш пайтида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Халқ контроли камчиликларга қарши, олға томон қилаётган ҳаракатимизга ҳалақит бераётган ҳамма иллатларга қарши курашда ишончли қуролдир. Бас, шундай экан, ҳар бир соҳада интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш учун унинг кучидан янада яхшироқ фойдаланиш лозим. Шу тантанали кунда биз Алексей Михайловичга мана шундай тилак билдирамиз.

Жангчи, партия, совет ва хўжалик ходимининг катта ва шонли йўлини босиб ўтган ўртоқ Анатолий Семенович Дригинга бугун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин юлдузи топширилади. Анатолий Семенович йигирма уч йилдан буён КПСС Вологда область комитетига бошчилик қилиб келмоқда.

Область саноатида ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам салмоқли ишлаб чиқариш потенциали вужудга келтирилган. Вазифа шу потенциалдан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланишдан, экономиканинг ҳамма тармоқларида ўсишнинг интенсив омиллари сари кескин бурилиш ясашдан иборат.

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун Владимир Алексеевич Карловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У 40 йилдан кўпроқ вақтдан бери партия ишида. Ҳозир у КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимига бош бўлиб, фидокорона меҳнат қилмоқда, мамлакатнинг агросаноат комплексини ривожлантиришга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўп куч ва ғайрат сарфламоқда.

Азиз ўртоқлар, сизларни юксак мукофотлар билан чин кўнгилдан табриклайман. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, янги ижодий муваффақиятлар тилайман.

* * *

Мукофотланган ўртоқлар ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, ўртоқ К. У. Черненкога астойдил миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар бундан буён ҳам социалистик Ватанга садоқат билан хизмат қилиб, бутун куч, билим ва тажрибаларини партия Марказий Комитетининг февраль ва апрель Пленумлари қарорларини турмушга татбиқ этишга сарфлашга, КПСС XXVII съездига тайёргарликни меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга ваъда бердилар.

Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлган кишилар ўз нутқларида Константин Устинович Черненконинг нутқлари ва докладлари мамлакатимиз коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг бунёдкорлик ғайратини сафарбар этиш учун бебаҳо аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Шу нутқ ва докладларда баён этилган қоида ҳамда хулосалар совет кишиларини ривожланган социализмни такомиллаштириш борасида навбатдаги ва истиқбол вазифалар ҳақидаги равшан тушунча билан қуроллантиради.

Нутқлар зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Мукофотларни топшириш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. М. Боголюбов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. Н. Ментешашвили, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Прибитков ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бугун биз бу ерда, Кремлда мамлакатимиз ва партиямиздаги таниқли ўртоқлардан бир группасини самимий табриклаяпмиз, Мен ёқимли вазифани бажаришим — уларга Ватаннинг олий мукофотларини топширишим керак.

Бугун мазкур мукофотлар топширладиган кишилар орасида ишчилар синфимизнинг ажойиб намояндалари, партия ва давлатнинг таниқли, хизмат кўрсатган ходимлари бор.

Сизларнинг ҳаётингизда, шубҳасиз, унутилмас бўлиб қоладиган шу кунда мен сиз, азиз ўртоқларга миннатдорчилик ва ҳурмат сўзлари билан мурожаат этмоқчиман. Давлат мукофоти, айниқса олий мукофот берилиши совет кишиси учун зўр аҳамиятга молик воқеадир. Бу унинг социалистик Ватан олдидаги хизматлари энг олий даражада эътироф этилишидир. Бинобарин, шу мукофотга сазовор бўлган кишиларга халқ таҳсин айтади.

Ҳар бир киши ҳам жуда катта фидокорона меҳнат, ҳам новаторлик, ҳам шахсий мардлик, ҳам бутун кучғайратини сарфлаб ишлаш туфайли бу мукофотга сазовор бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бундай меҳнат учун қозониладиган ҳурмат ва шуҳрат социалистик жамиятдагина эришиш мумкин. Бу ҳурмат ва шуҳрат меҳнат аҳлининг жамияти бўлмиш социалистик жамиятнинг асл моҳиятини ифодалайди.

Айни вақтда Ватаннинг мукофотлари катта вазифа ҳам юклайди. Бу мукофотлар мамлакатнинг юксак баҳоси ва ишончини оқлаш, кўрсатилган иззатни ерга урмаслик, уни халқ манфаатлари йўлидаги янги-янги шонли ишлар билан доимо мустаҳкамлаш масъулиятини юклайди. Ўртоқлар, сизлар ҳам ўз мукофотларингизни худди шундай туйғулар билан қабул этаётганингизга ишонаман.

В. И. Ленин номидаги Иваново мовут комбинатининг тўқувчиси Валентина Николаевна Голубеванинг номи бутун мамлакатга маш. ҳур. У — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир.

Ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан, мустаҳкам ишчилар коллективида тарбия кўрган Валентина Николаевна ўз ишининг ҳақиқий устасидир.

Кўп йиллардан бери у меҳнатда юксак мувaффақиятларга эришиб келмоқда. Валентина Николаевна Голубева кўп станокчи тўқимачиларнинг анъаналарини ривожлантириб, касб-кор маҳоратини юксак даражага кўтариш, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини ижодий ўзлаштириш туфайли тармоқ ходимлари ўртасида энг юксак меҳнат унумдорлигига эришди. Ўн биринчи беш йиллик бошланганидан бери у 19 та шахсий йиллик топшириқни бажарди! Унинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги ҳақли равишда Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан тақдирланди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, электровоз машинисти Виктор Фадеевич Соколов мамлакатда машҳур илғор новатор, оғир юкли поездларни бошқариш ташаббускоридир.

Қўш орденли Москва Сортировочная депоси донгдор меҳнат коллективида тарбияланган коммунист В. Ф. Соколов ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариб бўлди.

У ўз коллективи билан, пойтахт магистралининг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари билан биргаликда поездларнинг вазнини ва узунлигини ошириш ҳисобига юкларни жадал ташиш ташаббуси билан майдонга чиқди. Бу ташаббус ҳозир мамлакатда кенг миқёсда қўллаб-қувватланди.

Ленин ордени билан иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали Виктор Фадеевич Соколовнинг фидокорона меҳнатига берилган юксак ва муносиб баҳодир.

Бугун совет ишчилар синфининг шонли намояндаларини шарафлаш билан бирга уларнинг меҳнатдаги жасоратлари, ғайрат-шижоати ва ҳақиқий ижодий жўшқинлиги — таклид қилса арзийдиган ажойиб намуна эканини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўн биринчи беш йиллик тугашига бир ярим йил вақт қолди. Унинг охирги қисмида биз ҳали кўп иш қилишимиз, кўп ишларни илгари силжитишимиз, айрим жойларда ғайрат-шижоатни янада кучайтиришимиз лозим. Худди шу ўринда беш йиллик пешқадамларининг, ажойиб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг намунаси ўзининг бебаҳо ролини ўйнаши керак.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Борис Евдокимович Шчербинага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиши билан унинг нефть ва газ саноати корхоналари қурилишидаги катта хизматлари тақдирланди.

У Тюмень область партия комитетининг биринчи секретари, сўнгра эса жуда катта қурилиш министрлигининг раҳбари лавозимида ишлаганида мамлакатнинг ва аввало Ғарбий Сибирь нефть-газ конлари комплексининг табиий бойликларини ўзлаштиришга кўп куч ва меҳнат сарфлади. Сибирь гази учун Ғарбий Европа йўлини ҳам очган Уренгой—Помара — Ужгород газ қувури унинг раҳбарлигида қурилди.

Алексей Михайлович Школьников Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. У 40 йил мобайнида партия ва давлат вазифаларини зўр ғайрат билан бажариб келмоқда. Кейинги ўн йил ичида ўртоқ А. М. Школьников СССР халқ контроли комитетига бошчилик қилмоқда. У партия кўрсатмалари ва совет қонунлари бажарилиши устидан контролликни кучайтиришга ўзига хос ғайрат билан интилмоқда.

ИШ БИР МАРОМДА ТАШКИЛ ЭТИЛСИН

Ғалла ўрим-йиғими кундалиги

ОБЛАСТИМИЗ ғаллакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда 45,5 минг гектар ерда ғалла етиштириб, давлатга 21700 тонна дон сотиш мажбуриятини қабул қилишган. Айни кунларда областимиз хўжаликларида пишиб етилган бошоқли дон экинларини ўриш-йиғиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шу кунгача 25 минг гектар ердаги ғалла йиғиштириб олинди.

Бу борада Оққўрғон, Бекобод, Ғалаба ва Калинин районларининг ғаллакорлари барчага намуна бўлмоқдалар. Улар областда биринчилардан бўлиб дон ўрим-йиғимини муваффақиятли тугаллашди. Оржоникидзе ва Бўка районларида ўрим-йиғим тугалланиш арафасида.

Бундай қараганда Оҳангарон районида ҳам ғалла ўрим-йиғими яхши ташкил этилган. 11 минг 850 гектар майдоннинг 7 минг гектари ҳосилдан тозаланди. Ҳар куни 500 гектар ердаги ғалла йиғиштириб олинмоқда. Лекин янчилган донни ўз вақтида давлат қабул пунктларига топширишда район деҳқонлари сусткашликка йўл қўйишяпти. Масалан, ҳозиргача 4 минг тонна ғалла янчилган бўлса-да, давлатга сотилгани атиги 700 тоннани ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, район хўжаликларида ғалла тозалаш агрегатлари унумли ишлатилмаяпти. Натижада тайёр дон ҳалигача хўжаликларнинг очиқ хирмонларида ётипти.

Айниқса, райондаги Жуков номли, «Ангрен» совхозларида ғалла ўрим-йиғими яхши ташкил этилган эмас. Масалан, Жуков номли совхозни олиб кўрайлик. Бу совхозда 519 гектар ердаги ғалладан эндигина 100 гектари ўриб олинган, холос. Мавжуд 5 та комбайндан фақат 2 таси ишламоқда. Қолганлари бекор турипти. Ишлатилаётган комбайнларнинг унумдорлиги ҳам талаб даражасида эмас. Уларнинг кунлик иш кўрсаткичи 3—4 гектардан ошмаяпти. Эришилаётган натижалар совхозда сўз билан иш бирлиги таъмин этилмаётганлигини кўрсатмоқда. Райондаги «Тошкент от заводи», Будённий номли совхозларда бир комбайн билан кунига ўртача 15 гектар майдондаги ғалла ўриб-йиғиб олинаётган бир пайтда жуковликлар эришаётган паст кўрсаткичларни қандай баҳолаш керак?!

Маълумотлар Коммунистик, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз районларининг хўжаликларида ҳам ғалла ўрим-йиғимида ана шундай камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Коммунистик райони далаларида амалдаги 30 та комбайн ўрнига 22 та комбайн ишлаяпти. Мавсум бошидан буён давлатга бор-йўғи 345 тонна ғалла топширилган, холос. Ваҳоланки, улар бу йил 1384 тонна дон сотиш мажбуриятини олишган. Бизнингча районда давлатга дон топширишнинг суст бораётганлигининг асосий сабаби ғалла тозалаш агрегатларининг паст унум билан ишлаётганлигидадир. Фактлардан кўриниб турибдики, бу ерда 24 та тозалаш агрегатидан атиги 7 тасигина ишлатиляпти.

Ўрта Чирчиқ районн хўжаликларида ҳам 3763 гектар ердаги ғалланинг салкам 2700 гектари йиғиштириб олинган бўлса-да, давлатга ғалла топшириш қониқарли эмас. Мавжуд 32 та комбайндан 28 таси, 16 та тозалаш агрегатидан 6 тасигина ишлатиляпти. Шунингдек, ҳосилдорлик ҳам гектар ҳисобига 3—4 центнердан ошмаяпти.

Чиноз райони хўжаликларида бўлса асосий майдондаги бошоқли дон экинлари ўриб-йиғиб олинганлигига қарамай, давлатга дон сотиш плани бор-йўғи 22 процент бажарилган, холос.

Вақт кутиб турмайди. Мутахассислар, хўжалик раҳбарлари мавжуд техника восталарини, ишчи кучларини ғалла ўрим-йиғимига тўла сафарбар этиш чораларини кўришлари лозим. Илғор хўжаликларнинг иш тажрибаларини кенг ёйиб, ризқ-рўзимиз бўлган ғаллани ўз вақтида, нобудгарчиликсиз ўриб-йиғиб давлатга топшириш учун бутун имкониятларни ишга солиш вақти келди!..

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ

— Республикамиз юбилейига менинг ҳам ўз совғам бўлади. Йил охиригача ҳар бош соғин сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб оламан,— дейди Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози соғувчиси Зебо Алиева. Тажрибали соғувчи шу мақсадда ўз қарамоғидаги 27 бош соғин сигирни қатъий рацион асосида парвариш қилмоқда. Кунлик кўрсаткичда ўз ҳамкасблари орасида пешқадамликни қўлдан бермаётир.

Суратда: илғор соғувчи Зебо Алиева.

ҒАЛЛАКОРЛАРГА — БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон сотиш, уруғлик фондларини жамғариш ва дон ташиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар, колхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил 1 июлгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини **Фарғона областида** қолдиришга қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Андижон области,

Тошкент областининг Оққўрғон райони,

Самарқанд область, Пастдарғом районидаги Ленин номли совхоз,

Тошкент область, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми,

Сурхондарё область, Шўрчи районидаги Киров номли колхоз,

Фарғона область автотрестига қарашли 2520-Қўқон автоколоннаси.

Байроқлар Сурхондарё областидан, Фарғона областининг Ўзбекистон районидан, Фарғона область, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхозидан, Тошкент область, Бекобод районидаги «Партия XXV» съезди совхозидан, Сурхондарё область, Ангор районидаги Калинин номли колхоздан, Андижон область автотрестининг 2508-автоколоннасидан олиб берилади.

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ТОШТАРОШ

ЖАСУР ака шаҳарнинг ёшлигидан ўзига таниш кўчалари, хиёбонлари бўйлаб анча кезиб, «Ташсельмаш» заводига борди. Бу ерда у ўн тўрт йил ишлаган. Биронта таниш-билишини учратиш ниятида Жасур ака корхона дарвозаси ёнидаги скамейкага ўтирди.

...1959 йили мактабни битириб, шу заводга келганда у мўйлаблари эндигина сабза ура бошлаган йигитча эди. Омади бор экан. Жасурни донгдор ишчи Мустақим Юсуповнинг ўзи шогирдликка олди. Ҳар бир иншоннинг ҳаётида таассуф қиладиган кишиси бўлади. Жасур Мустақим акага ҳавас қиларди, унинг меҳнатсеварлиги, инсонийлиги ёш ишчида катта таассурот қолдирарди. Корхонанинг йиғув-механика цехида анча йил Мустақим ака билан ёнма-ён ишлади. Бу давр ичида Жасурга устози — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юсуповнинг касб маҳоратигина эмас, балки шахсий фазилатлари ҳам ўта борди.

Мана, ўн бир йилдирки, Ж. Каримов оиласи билан Ғазалкентга кўчиб кетиб, у ердаги тошга ишлов бериш комбинатида ишлаяпти. Меҳнатда чиниққан ишчига сайқалловчилик касбини эгаллаб олиш қийин бўлмади.

Эндиликда у СМР-013 маркали сайқаллаш станогини моҳирлик билан бошқараяпти. Ўтган йили бригада бошлиғи В. Аренгольд ташаббуси билан улар корхонада биринчилар қатори бригада пудрати методи асосида ишлашга ўтишди. Очиғи олдин бироз иккиланишди. Янги усулнинг шартлари оғир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига бригаданинг ўзи кафолат беради. Бунда ҳар ким ўзи учун ишлай олмайди. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун ҳаракат қилади. Пудрат усулининг афзаллигини олдиндан кўра билган Жасур Каримов ҳамкасбларини кўндиришда бригада бошлиғига ёрдамлашди.

Хуллас, 1983 йилнинг августидан ўн етти кишилик комплекс бригада пудрат усулида ишлашга ўтди. Илгари кунлик иш нормаси — 12 квадрат метр гранит плиталарга ишлов бериш учун ҳамма ўзича тиришқоқлик кўрсатарди. Айримлар бу борада муғомбирлик қилишарди. Жасур ака бир куни қараб турса шогирдларидан бири В. Суханов гранит плиталардан фақат сариғига сайқал бераяпти.

«Оббо шайтон-ей, қизил тошнинг сариғига нисбатан қаттиқлигини ҳам билиб олганини қара-я,— деди ўзича Жасур ака Владимирнинг ҳаракатларини кузатиб турар экан.— Шунинг учун нормасини олдинроқ битираётган эканда».

В. Суханов устози кузатиб турганини сезди-ю, ҳижолатдан қизариб кетди. У станогини ўчирди-да, устозининг олдига келди. Жасур ака Владимирга «Хўш, нима гап?» дегандек қараб қўйдилиб қолди. Коллективда меҳнат интизоми мустаҳкамланди, прогулчиликка, сабабсиз ишдан қолишга чек қўйилди. Ҳатто унар-унмасга ишдан жавоб сўрайдиганлар ҳам қолмади.

Бригада ҳозирги пайтда июль ойининг сўнгги декадаси ҳисобига ишлаяпти. Улар юбилей йили планини 25 декабрда ўринлаб, йил охиригача пландан ташқари 300 квадрат метр гранит плиталари ишлаб чиқаришга бел боғлаганлар.

«Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Ж. Каримовни бригада аъзолари ҳамиша эъзозлашади. Жасур аканинг ҳамкасби Т. Норметов шундай дейди:

— Биласизми, шундай одамлар бўладики, бир кўрганингиздаёқ сизда яхши таассурот қолдиришади. Жасур ака ҳам камгап, камтаринлиги, ишига пишиқлиги билан дарров қалбингизни ром этади. Қолаверса, унда деярли ҳар куни иш шароитини яхшилаш, станоклар унумдорлигини оширишга қаратилган янги фикр туғилади. Биз Жасур акани область «Гранит» мукофоти лауреати бўлганлиги билан қизғин табриклядик. У эса бу мукофот ёлғиз уники эмас, бутун бригаданики эканлигини айтди. Ҳа, бизнинг Жасур ака ана шундай инсон.

Ж. Каримов «Ташсельмаш» заводи эшиги олдида ўтириб, бир нечта эски қадрдонлари билан кўришаркан узоқ хаёлга чўмди. Ниҳоят иккинчи сменага ишга боришини ўйлаб, ўрнидан турди-да, автобус тўхташ жойига қараб жадал юриб кетди.

Суратда: тоштарош Ж. Каримов.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

Баҳри Иброҳимова «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи мастерларидан ҳисобланади. Тажрибали ишлаб чиқариш ташкилотчиси раҳбарлик қилаётган смена коллективи доим пешқадамлар сафида бўлмоқда. Ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этмоқда. Моҳир мастернинг ишдаги жонкуярлиги, ғайрат-шижоати, фидокорлиги муносиб тақдирланяпти. У коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлди. Кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени безаб турипти.

М. ЖЎРАЕВ чизган расмлар.

К. У. ЧЕРНЕНКО Дж. ХАУ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

3 июлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко визит билан Совет Иттифоқига келган Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Хауни қабул қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Амалий вазиятда баъзи бир актуал халқаро проблемалар ва Совет-Британия муносабатлари масалалари муҳокама қилинди.

СССРнинг ташқи сиёсий йўли, деб таъкидлади К. У. Черненко, уруш хавфини тугатишга, тинчликни мустаҳкамлашга, давлатлар ўртасида ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилиб келди ва қаратилаверади.

Совет Иттифоқи дунёда вужудга келган ҳамда АҚШ ва НАТО ҳарбий блоки бузишга интилаётган ҳарбий-стратегик мувозанатнинг ўзгартирилишига йўл қўймайди. Биз Варшава Шартномасидаги ўз иттифоқчиларимиз билан биргаликда мудофаа характеридаги жавоб чораларини кўришга мажбур бўлдик, биз буни эълон қилдик. Башарти АҚШ ва НАТОнинг у билан бирга бораётган мамлакатлари Америкаларнинг ракеталари жойлаштирилишини тўхтатиб, ҳозиргача жойлаштирилган ракеталарни Европадан чиқартириб юбориш чораларини кўрсалар бундай жавоб чораларига зарурат қолмаган бўлур эди. Айни вақтда Совет Иттифоқи ҳам ўзининг жавоб чораларини бекор қилиш тадбирларини кўрган бўлур эди. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам стратегик ядро қуролларига оид музокараларга йўл очган бўлур эди.

К. У. Черненко халқаро вазиятни соғломлаштириш, қуролланиш пойгасини чеклаш ва қуролсизланиш юзасидан Совет Иттифоқи ўртага қўйган олисни кўзловчи таклифлар комплексига эътиборни қаратди. Совет ҳукуматининг космик фазонинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик таъминланиши учун ҳал қилиниши керак бўлган масалалар комплекси юзасидан ҳеч кечиктирмай музокаралар бошлаш тўғрисида қилган таклифнинг аҳамияти таъкидланди.

Мана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан Ғарб жавоб қайтариши керак. Бу масалалар юзасидан бир битимга келиниши бутун халқаро вазиятга ижобий таъсир ўтказиши шубҳасиз.

Совет Иттифоқи, деб уқтирди К. У. Черненко, Совет-Англия муносабатлари муттасил ривожлана боришининг тарафдоридир. Аммо бу нарса иккала томонга боғлиқ. Биз, аввалгидек, Англия билан икки томонлама муносабатларни ўзаро манфаат, тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик асосида, иккала мамлакат халқларининг манфаатлари, Европада ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида ривожлантиришга кўмаклашишга тайёрмиз.

Ж. Хау, ўз навбатида, Британия ҳукуматининг муҳокама этилган масалалар хусусида нуқтаи-назарини баён этди. У Англиянинг Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилашдан, сиёсий мулоқотни давом эттиришдан манфатдор эканини айтди.

Суҳбатда совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари ёрдамчиси А. М. Александров, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси В. И. Попов; Англия томонидан — Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси И. Сазерленд, ташқи ишлар министри доимий ўринбосарининг ўринбосари М. Женкинс, ташқи ишлар министрининг катта ёрдамчиси Л. Эпплярд ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЙИЛИГА 3 МИНГ МУТАХАССИС

В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг тарих музейида азиз ёдгорлик ардоқлаб сақланмоқда. Вақт ўтиши билан саргайиб қолган бу варақ Халқ Комиссарлари Советининг Тошкентда Ўрта Осиёдаги биринчи олий ўқув юртини таъсис этиш тўғрисида улуғ йўлбошчи 1920 йилда имзолаган қароридир.

Ўтмишда қашшоқлик ва ҳуқуқсизлик ҳукм сурган ўлкада университет сочган илм-фан уруғлари мўл-кўл мева берди. Ўз бунёдкорининг номи билан юритилувчи олий мактаб ўнлаб ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг отаси бўлиб қолди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташкил этилишида ҳам бу илм-фан даргоҳининг хизмати катта бўлди.

ЎзТАГ мухбири И. АЛИМОВ университет ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ҳ. Сирожиддиновга учраб, олий ўқув юртининг ҳаёти ҳақида, коллектив қандай вазифаларни ҳал этаётгани тўғрисида, у республика билан Ўзбекистон Компартияси шонли юбилейига қандай ҳозирлик кўраётгани ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Гапни рақамлардан бошлайман, — деди С. Ҳ. Сирожиддинов. — Университет коллективи 25 минг кишидан иборат. Унинг 20 минги студентлардир. Улардан 10 минг йигит ва қиз кундузги бўлимларда илм олмоқда. Ҳар йили 3 минг мутахассисни ишга йўллаяпмиз. Бу маълумотлар Ўрта Осиёнинг энг йирик олий ўқув юртида таълим-тарбия ишлари кўлами қандайлигидан далолат беради.

Коллектив КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган талабларни, бажаришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Жумладан, илмий тадқиқотларнинг самарадорлигига, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга катта эътибор бераяпмиз. Университетда генетикларнинг ўз мактаби вужудга келди. Олимлар пахтачиликни яна да ривожлантириш учун кўп иш қилмоқдалар, жумладан, ғўзанинг янги навларини етиштиришда, бегона ўтларга, ўсимлик зараркунандаларига қарши курашнинг самарали воситаларини яратишда, «оқ олтин» сифатини яхшилашда қатнашмоқдалар. Химиклар кенг миқёсда қўлланила бошлаган алкоилоидлар, гербицидлар, медицинада зарур бўлган полимерларни ишлаб чиқдилар. Биотехнологлар пахта саноати чиқитларидан глюкоза олдилар. Ихтиологлар кўл ва ҳовузларда балиқчиликни ривожлантиришга оид бир қанча қимматли тавсияларни жорий этдилар. Гельментологлар қорамол ҳамда қўй ва эчкиларнинг касалликларига қарши курашишнинг самарали воситаларини таклиф қилдилар. Математиклар эҳтимоллик назарияси ва математик статистика уфқларини кенгайтирдилар, бу эса кўпгина саноат корхоналаридаги технология жараёнини анча такомиллаштириш имконини берди. Улар геологларнинг, тилшуносларнинг, бошқа соҳалар мутахассисларининг мураккаб вазифаларини ҳал этишни ҳам енгиллаштириб бердилар.

— Саъди Ҳасанович, бу ишларда студентлар улуши қандай?

— Бу ишларда уларнинг анчагина улуши бор. Гап шундаки, бизнинг мақсадимиз ёшларни мустақил турмушга қадам қўйишга тайёрлашдан, уларни актив ижодкорликка руҳлантиришдан иборат. Яхшилаб жиҳозланган лабораториялар шунга хизмат қилади. Студентлар бевосита ишлаб чиқаришда, жумладан чет элларда практикадан ўтадилар. Республика Фанлар академияси билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатилган, студентлар у ерда стажировкадан ўтмоқдалар.

Янги планларда биз муаллимларнинг, асосан студентларнинг тадқиқотлари натижаларини айрим корхоналардагина эмас, бутун-бутун тармоқларда жорий этишни кўзда тутдик. Шундагина уларнинг лойиҳалари кўп марталаб қўлланиладиган, яъни кўпроқ самара берадиган бўлади. Бунда энг актуал мавзуларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бундай янгича ёндашиш шу йилнинг ўзидаёқ наф беради, деб ўйлаймиз биз қарийб 6 миллион сўмлик хўжалик шартномалари туздик.

Илгари проблемавий лабораториялар ходимларининг бир қисми таълим жараёни билан боғланмаган бўлиб, фақат илмий тадқиқотлар билан шуғулланар эди. Энди уларнинг ҳар бири студентлар группасини оталиққа олиб, бўлажак мутахассисларни ташаббускорлик, омилкорлик руҳида тарбиялаши, уларни мустақилликка, масъулиятли қарорлар қабул қилишга ўргатиши лозим.

Турмушнинг ўзи тақозо этган мана шу ва бошқа ўзгаришлар университетнинг илмий ҳаётини активлаштиради, деб ўйлаймиз.

Партия биз, олий мактаб ходимларидан ёшларни юксак ғоявийлик, ватанпарварлик, жонажон Коммунистик партияга садоқат руҳида тарбиялашни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан ижтимоий фанларнинг роли ошмоқда. Университетда студентлар марксизм-ленинизм назариясини, КПСС тарихини, сиёсий иқтисодни, бошқа фанларни чуқурроқ ўзлаштириб олишлари учун ижтимоий фанларни ўқитишни такомиллаштириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қабул этилиши хусусида коллектив қандай фикр билдирди?

— Бу саволнинг жавоби битта — таълим жараёнини қайта қуриш, уни имкони борича мактаб билан яқинлаштириш керак, чунки университетни битириб чиққан кишиларнинг 30—35 процента мактабларга ишга юборилади. Янги ўқув йилидан бошлаб кўпчилик факультетларда педагогика, психология сингари фанларни киритиш назарда тутилмоқда (ҳозир бу фанлар икки-уч факультетдагина ўқитилмоқда). Бу фанлар бўлажак ўқитувчиларни болалар дилига йўл топиш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини тушуниш маҳорати билан қуроллантиради.

Университет комсомол комитети яхши ташаббус бошлади. Собир Раҳимов районида оталиғимиздаги мактабларда геология, биология, математика, физика сингари турли фан соҳасида тўгараклар ташкил этилмоқда. Бу тўгаракларда ёш олимлар кенгаши раҳбарлигида асосан юқори курсларнинг студентлари ишламоқда. Бундан икки томон ҳам манфаат кўриши турган гап.

Студентларнинг ўқувчилар билан алоқа боғлашида мактабларда лекция ўқиш формаси ҳам ўзини оқламоқда. Бу форма олий мактабда ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ёшларга университет ҳаётини таништириш имконини беради. Мактаблар учун пионервожатийлар тайёрлашга киришиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда.

Университетда материални мароқли, қизиқарли баён эта оладиган, унинг моҳияти ва негизини лўнда қилиб тушунтириб бера оладиган профессорлар, доцентлар, муаллимлар кўп. Уларни биз илм-фанни оммалаштирадиган брошюралар туркумини тузишга, мактаб ўқувчиларига тушунарли ва қизиқарли бўлган бошқа китоблар тайёрлашга жалб қилаяпмиз.

Университет профессорлари билан муаллимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, ҳамиша олдинги сафда бўлиш, илмий ва педагоглик фаолиятларини шу куннинг талаблари билан янада кўпроқ яқинлаштириш, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Пудратчи бригадалар олдинда

8-ТРЕСТГА қарашли 4-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари шаҳримизнинг Ҳамза районида барпо этилаётган 6-туғруқхона биносини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган кунга қадар ўз эгаларига топширишга аҳд қилиб ишлашмоқда. Шу туфайли ҳам қурилиш участкасида қурилиш ишлари тобора авж олдирилмоқда. Т. Галиев, Н. Ключков сингари ишчан бригада бошлиқлари етакчилик қилаётган коллективларда иш ҳар қачонгидан ҳам унумли бўлмоқда. Улар бошқарма қурувчилари ўртасида авж олдирилган ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Қурувчиларнинг ўртача иш кўрсаткичлари топширидагидан 30—40 процент ортиқ бўлмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

РЕЗЕРВЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

АВТОМОБИЛЛАР ЮКСИЗ ҚАТНАМАСИН

СОЦИАЛИСТИК экономиканинг ривожланишида сифат жиҳатидан ҳозирги босқич ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Бу автомобиль транспорти учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Тармоқнинг ўзига хос хусусияти, уни бошқаришдаги қийинчиликлар шуни тақозо этади. Чунки, хизмат кўрсатиладиган корхоналар тарқоқ бўлиб, юк ташиш билан шуғулланувчи автоколонналар кўпдир. Бундан ташқари, мавсумий омиллар, ташилаётган юк номенклатураси тез-тез ўзгариб туради, юк ташийдиган транспорт воситалари турли-тумандир.

Юк ташиш миқёсларининг йил сайин кенгайиб бориши автомобиль транспортида меҳнат унумдорлигини ошириш, юк ташиш суръатларини тезлаштириш ва ҳаражатларини камайтириш муаммосини олдинга сурмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, кейинги йилларда шаҳарлараро юк ташишни такомиллаштириш, умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти томонидан юкларнинг белгиланган манзилларга ўз вақтида ва сифатли етказиб берилиши билан боғлиқ бўлган кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунинг учун ҳам республикамизда юк ташишнинг бу турини ташкил этиш ва бу соҳа бўйича планнинг бажарилишида анчагина ижобий натижаларга эришилди.

Бундай ўсишга шаҳарлараро юк ташишга жалб қилинадиган турли идоралар ва министрликлар автомобиллари сонини анча кўпайтириш, уларда меҳнат унумдорлигини ошириш, шунингдек, бўш автомобилларга йўл-йўлакай юк ортишни кўпайтириш ҳисобига ҳам эришилмоқда.

Маълум бир йўналишда қатнайдиган автомобилларнинг юксиз юришини камайтириш бўйича планли иш олиб бориш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Чунки республикамиз, шу жумладан областимиз экономикасини ривожлантириш юзасидан белгиланган программани муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан барча турдаги, шу жумладан автомобиль транспортида шаҳарлараро юк ташишнинг пухта йўлга қўйилишига ҳам боғлиқ. Бундай юкларни ташиш учун тобора кўпроқ автомобиллар ва автопоездлар талаб қилинмоқда. Ваҳоланки, ҳозирги вақтда автомобиллар кўпинча бир томонга юксиз қатнамоқда. Шунинг учун ҳам юк ташувчи автомобиллар маршрутларини шундай ташкил этиш керакки, бунинг натижасида ҳатто бошқа идоралар ва министрликларга қарашли транспорт воситалари ҳам бўш қатнамасин.

Республикамизда, шу жумладан пойтахт областида юк оқимини, юкларнинг қайси йўналишлар бўйича кўпроқ ташилишини аниқлаш ва ўрганиш, юксиз қатнайдиган автомобилларнинг сонини қамайтириш ва шаҳарлараро юк ташиш самарадорлигини ошириш мақсадида юк автостанцияларининг кенг тармоғи ташкил этилди. Айни вақтда агентликлар ва контроль-диспетчерлик пунктлари тузилган. Ҳозирги вақтда 22 та юк автостанцияси, 63 та контроль-диспетчерлик пункти ишлаб турибди.

Ҳар йили «Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари «Узмежавтодортранс» бошқармаси ходимлари билан биргаликда юк ва автомобиль қатнайдиган йўналишларни тадқиқ қилмоқда. Бу ишга кенг мутахассислар коллективи ҳам жалб этилмоқда. Натижада турли иқтисодий районлар ўртасида қатнайдиган автомобиллар ҳаракатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган янги-янги резервлар аниқланмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, республикамизда умумий фойдаланишдаги автотранспорт билан шаҳарлараро юк ташиш ҳажми ҳамон камлигича қолмоқда. У ҳозирги вақтда ана шундай юкларнинг 2 процента атрофида бўлмоқда. Бу жуда қониқарсиздир. Чунки, мамлакатимизнинг бошқа иттифоқчи республикаларида бу кўрсаткич 5 процентли даражадан ҳам ошиб кетди.

«Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи кейинги йилларда автомобилларнинг шаҳарлараро юксиз қатнашини камайтиришга қаратилган қатор тавсияларни ишлаб чиқди. Бунда юк кўп қабул қилинадиган ва кўп жўнатиладиган пунктлар ишини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, Бекобод, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларидан республиканинг бошқа районларига ва шу шаҳарларга келтириладиган юк ташишни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Бунинг учун аввало Ангрен, Бекобод ва Чирчиқ юк автостанцияларидаги контроль-диспетчерлик пунктларидан ўтадиган юксиз автомобиллар бир ҳафта давомида ҳисобга олинди. Текширишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, бир ҳафта давомида Бекобод юк автостанцияси контроль-диспетчерлик пункти орқали 410 автомобилнинг юксиз ўтганлиги аниқланди. Ваҳоланки, шу транспорт воситалари бўш қатнамаганида йил давомида қўшимча 117,9 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилган, 18 миллион тонна-километр иш бажарилган бўларди. Автомобилларнинг юксиз қатнаши 42 минг километрдан ошиқроқ камайтирилиши билан 83 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олинарди.

Бир ҳафта давомида Ангрен юк автостанцияси контроль-диспетчерлик пункти орқали эса 560 автомашина юксиз ўтган. Уларда шоферлардан ташқари 181 юкчи ва экспедитор ҳам банд бўлган. Агар шу автомобиллар бўш ўтмаганида бир йил давомида машиналарнинг юксиз қатнови салкам 2,5 миллион тонна-километр камаярди. Қўшимча 162 минг тонна юк ташилган, 16,3 миллион тонна километр иш бажарилган ва 94 минг 350 сўмлик иқтисодий самара кўриш имкони туғиларди.

Чирчиқ юк автомобиль станцияси контроль диспетчерлик пунктида ўтказилган текширув ҳам бу ердан юксиз автомобиллар анча кўп ўтишини кўрсатди. Текширув олиб борилган вақт давомида 610 та юк автомашинаси бўш кетаётганлиги рўйхатга олинди. Бу транспорт воситалари орасида 122 та бортли, 11 та ўзиюрар, 48 та тягач бор эди. Уларга ҳайдовчилардан ташқари 27 юкчи ва 136 экспедитор хизмати жалб қилинган эди.

Ана шу тадқиқотлар асосида автомобиллар иш режимини узайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириш ҳар ҳафтада йўл-йўлакай 181 автомобилда, ўртача юк кўтариши 7,0 тонна ҳисобида, ҳар йили қўшимча 66,6 минг тонна юк ташиш, 5,0 миллион тонна километр иш бажариш имконини беради. Шу билан бирга автомобилларнинг 707,9 минг тонна километр юксиз қатновини бартараф этиш мумкин бўлади. Бундан ўнларча минг сўмлик иқтисодий самара кўрилади

М. ЭРМАТОВ,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сектор мудири.

ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Мактубга Бўка районидаги 8-ўрта мактабнинг кекса ўқитувчиси, 1927 йилдан бери КПСС аъзоси Л. Қодирова имзо чеккан эди. Хатдаги сатрларга кўз ташлаймиз.

«...Бўка район **«Пахтакорлар овози»** газетасининг 62-сонида босилган «хушёрхона меҳмонлари» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқиб, ҳайрон бўлдик, дейилади мактубда. Мен шу коллективда кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаяпман. Лекин мақолада тилга олинган Н. Султоновнинг коллективимизда ишлаганини ҳеч эслай олмайман. Автор фактларни нотўғри талқин этиб, иноқ коллективимиз шаънига доғ туширибди. Редакция ходимлари ҳам бу фактларни текширмай эълон қилиб юборишибди. Наҳотки ким нима ёзса газетада чиқиб кетаверса...».

Газетанинг ўша сонини қўлга олдик. Ҳақиқатан ҳам тўртинчи саҳифада район ички ишлар бўлими хушёрхона бошлиғи, милиция капитани П. Тожибоевнинг «Омбир» рубрикаси остида «Хушёрхона меҳмонлари» сарлавҳали танқидий мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада Н. Султоновнинг спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилганлиги ва маст ҳолда хушёрхонага олиб келингани ёзилган эди.

Текшириш пайтида Л. Қодировнинг мақола авторига, редакция ходимларига билдирган эътирозлари тўғри бўлиб чиқди. П. Тожибоев маст одамнинг гапига ишониб, нима деса ўшани газетага ёзиб юборибди. Ҳужжатларини текшириб кўриш ёки у ишлаётган коллектив билан боғланиш, чамаси, хаёлига ҳам келмабди. Султонов коммунист ҳам эмас. 8-мактаб ўқитувчиси ҳам эмас эди. У оддий бир ходим эди. Айтилган сўз отилган ўқ деганларидек милиция ходимининг нотўғри ахбороти бутун коллективга отилган туҳмат тоши бўлиб чиқди. Л. Қодирова айрим жамоатчи авторлар ва журналистларнинг мана шундай лоқайдлигидан ранжиб, бизга мактуб йўллаган эди.

Ишда хатоликка йўл қўйган кишилар тегишли жазоларини олдилар, газетанинг навбатдаги сонларидан бирида тузатиш чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, матбуотдаги танқид ўткир қуроллир. Бу қуролдан фойдаланганда энг аввало ҳақконийлик, принципиаллик ва холислик позицияларидан четга чиқмаслик керак. Танқидий чиқиш сенсация эмас, балки камчиликларни тузатишга ёрдам бериши лозим. Шу талаблар нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, «Пахтакорлар овози» газетасида босилган «Хушёрхона меҳмонлари» сарлавҳали материал фақат қуруқ сенсациядан иборат бўлиб қолганга ўхшайди. Бундай мақолалар шахснинг ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфасига актив таъсир қилмайди. Аксинча, коллективлар обрўсига путур етказади.

Газета саҳифаларини варақлаб яна бир қатор ғализликларга, ноаниқликларга кўзимиз тушди. Қўлимизда газетанинг 9 май сони. Биринчи саҳифада Улуғ Ватан уруши йилларига оид факт ва рақамлар берилган. Уларнинг бирини ўқиймиз: «1940 йилнинг кузида ва қишида немис-фашист босқинчилари қаттиқ зарбага учрадилар. Душман Москвадан 100—150 километр орқага улоқтириб ташланди». Тўғри, немис фашистлари Москва остоналарида биринчи марта шундай қаттиқ зарбага дучор бўлди. Лекин бу воқеа 1940 йилда эмас, балки 1941 йилда бўлган эди.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Шу сондаги бош мақола эса қуруқ сўзлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган. Унда маҳаллий фактлар йўқ. Ваҳоланки буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшган бўкалик жангчилар оз эмас.

Июнь Пленуми биздан чуқур умумлашмалар ясовчи, янги фикрлар берувчи, илғор тажрибаларни оммалаштирувчи мақолалар билан чиқишни талаб қилмоқда.

Газетада берилаётган бир қатор лавҳа ва очеркларни ўқиб умумий гапларга, ортиқча мақтовларга кўпроқ ўрин берилаётганлигини ҳис этдик. Авторлар ўз қаҳрамонларини ялтироқ сўзлар билан мақтаб, осмонга олиб чиқиб қўядилар. Лекин уларнинг бошқа одамлардан қандай фазилатлари билан фарқ қилишини, намуна бўлувчи тажрибаларини, маънавий оламини очиб бермайдилар. Бу ҳол Оржоникидзе район **«Коммунизм тонги»** газетасига ҳам тааллуқлидир.

Мана, газетанинг 24 апрель сони. Иккинчи саҳифада «Меҳри дарё» деб номланган очерк босилган. Унда ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлаётган 33-ўрта мактаб ўқитувчиси Убайдулла Ғуломовнинг ҳаёти баён қилинган. Очеркда қаҳрамоннинг яхши педагог сифатидаги тажрибаларини очиб бериш ўрнига, қуруқ мақтовларга, риторикага берилиб кетилган. «Ёш Убайдулла қалбини мавжлантирган эзгу-истакларнинг этагини маҳкам тутди». «Баъзи муаллимларнинг қалби ҳам дуруҳ доналар қалашиб ётган бамисоли бир денгиз», «Ўқувчи қалбига булоқ сувидек ором бўлиб сизиб кирган муаллимнинг меҳри минглаб қалбларда жўш урмоқда» каби баландпарвоз жумлалар газетхоннинг ғашини келтиради.

Худди шунингдек «Боғларга пайванд кўнгил» сарлавҳали очерк ҳам (19 апрель) жанр талабига жавоб бермайди.

Ҳар бир қаҳрамоннинг ҳаёти ўзига хос бир тарихдир. Автор ўз қаҳрамонининг ҳаётига чуқурроқ кириши, ортиқча баёнчилик ва қуруқ мақтовларга берилмай, жонли деталлар ва ибратли воқеалардан фойдаланиши лозим. Лекин ҳозирча «Коммунизм тонги» саҳифаларида берилаётган очерк ва лавҳаларда бу оддий ҳақиқатга амал қилинмаяпти.

Журналистлар мақоратини ошириш, улар қаламини ўткирлаштириш учун редакциянинг ўзида ижодий муҳит яратиш лозим. Бадиий жанрда ёзилаётган ҳар бир материални коллектив бўлиб ўқиш, ўзаро фикр алмашиш, ёш авторларга фойдали маслаҳатлар бериш керак. Лекин редакцияда ижодий ҳамкорлик етишмаётганлиги учун саҳифаларда ғўр материаллар пайдо бўлаяпти, хатоликларга йўл қўйилмоқда.

Фикримизнинг далили учун «Билим юртига диплом» сарлавҳали ҳисоботга мурожаат этайлик. Ҳисоботда ташкилот номлари бузиб ёзилган. Бир сўзнинг нотўғри ишлатилиши бутун жумланинг мазмунини ўзгартириб юборганлигини «Жуда катта аҳамиятга молик ҳужжатлар» сарлавҳали материалда кўрамиз.

КПСС Марказий Комитетининг «Район ва шаҳар газеталарининг фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида газеталарнинг кўплари газетхонларни тўла-тўкис қондирмаётганлиги, меҳнаткашларнинг маънавий дунёсини юзаки ва схематик тарзда ёритаётганлиги, турли хил ҳисоботлар билан тўлиб чиқаётганлиги жуда ҳам тўғри танқид қилинди. Айрим район партия комитетлари ўз органларига раҳбарлик савиясини оширмаётганликлари, кадрларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганликлари, ходимлар ўртасида ижодий мусобақанинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги натижасида саҳифаларда саёз материаллар тез-тез учраб турипти, хатолар ўтиб кетаяпти.

Газета минбари ҳар бир киши учун юксак шарафдир. Шундай экан, ҳар бир сўзни ўйлаб ишлатайлик, ҳар бир материалнинг ҳаққонийлиги ва таъсирчанлигини оширайлик.



Газалкент консерва заводи коллективи юбилей йилида 72 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари тайёрлашга аҳд қилган. Ҳозирги пайтда корхонада 1984 йил ҳосилидан маҳсулот тайёрлаш қизғин авж олган. Коллектив тайёрланаётган маҳсулот сифатига доимо жиддий аҳамият беради. Суратда: тайёр маҳсулотлар омборининг ишчилари Екатерина Чурбнова ва Майрам Акромовалар янги тайёрланган маҳсулот сифатини диққат билан кўздан кечиришмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ЯНГИЧА УРФ-ОДАТЛАР — ҲАЁТГА

КЕРАКСИЗЛАРИ БАРҲАМ ТОПЯПТИ

БОҚСУҚ — Ангрен шаҳри территориясида жойлашган йирик посёлкалардан биридир. У ерда 800 га яқин хонадон мавжуд бўлиб, шундан 70 дан кўпроғида 10—15 фарзандни тарбиялаб вояга етказаётган қаҳрамон оналар истиқомат қилишади. Ана шу гавжум, файзли хонадонлар аҳил-иноқ, тинчтотув ҳаёт кечириш борасида, шунингдек давримизга мос янгича анъаналар, урф-одатларни қарор топтиришда бутун посёлка аҳлига ибрат бўлмоқда. Маҳалла комитети аъзолари аҳолига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирадиган эскича урф-одатларни тугатиш, улар ўрнига янгича маросимларни кенг ёйиш учун курашда ана шу хонадонлар ибратидан фойдаланмоқдалар.

Бизда, айниқса, тўйларни янгича ўтказишга алоҳида эътибор берилаётир. Зотан, бу давр тақозосидир. Чунки эскилик сарқитлари чуқур сингиб кетган тўй маросимларимиз ҳозирги фаровон ҳаётимизга мос бўлмай қолди. Посёлкамизда тўйлар бир неча кун давом этишидан ташқари, ҳаражатлар ҳам ҳаддан ташқари кўпайиб борар эди. Бунинг устига мутлақо ортиқча дабдабали қўшимчалар пайдо бўла бошлади.

Ана шундай ўринсиз маросимлардан бири «Қизлар йиғини» бўлди. Бундай йиғилиш тўйдан тўрт кун аввал келин хонадонида ўтказиларди. Шу йиғилишга сарфланадиган ноз-неъматларни, спиртли ичимликларни ва бир бош молни куёв тараф етказиб бериши керак. Бундан ташқари «Қизлар йиғини»ни санъаткорлар билан таъминлаш ҳам куёв томон зиммасига юкланиларди. Агар шу шартлар тўла бажарилмаса, тўйнинг бузилиши ҳеч гап эмас. Ёки ҳали тўй бўлмай туриб икки оила орасига совқчилик тушиб, ёшларнинг келажак ҳаётлари мустаҳкам бўлмаган пойдевор устига қурилади. Натижада ёш оила узоққа бормай, бузилиб кетиши ҳам мумкин.

Никоҳ тўйидан сўнг орадан бироз вақт ўтгач келин тушган хонадонда «Қуда чақириқ» маросими ўтказилади. Бунда келининг ота-онаси, қариндош-уруғлари гилам, рангли телевизор, холодильник каби қимматбаҳо совғалар билан келиши шарт. Куёв хонадонида эса моллар сўйилиб, меҳмонларга тонг отгунча зиёфат берилади. Шунингдек бешик тўйи каби яна бошқа маросимлар ҳам катта ҳаражат билан ўтказилиб, ҳар икки томонга жиддий моддий зарар етказарди.

Маҳалла комитетимиз посёлкада истиқомат қилаётган меҳнат ветеранлари ва пенсионерлар, 23-ўрта мактаб ва 1-саккиз йиллик мактаб педагогика коллективлари, «Октябрь» совхози раҳбарлари билан ҳамкорликда кераксиз маросимларни, ортиқча сарф-ҳаражатларни тугатишга қатъий киришди. Бу борада тузилган режа посёлка аҳолисига ҳам маъқул тушди.

Мана, икки йилдирки, «Қизлар йиғини», «Қуда чақириқ» каби маросимлардаги ичиликбозликларга, кераксиз дабдабаларга барҳам берилди. Ҳозир тўйларимиз давримизга мос ҳолда ортиқча сарф-ҳаражатларсиз, ихчам ўтаётир. Келин билан куёв ЗАГСдан ўтгач, ресторан ёки бирор қариндошининг ҳовлисида давом этадиган зиёфатларга ҳам чек қўйилди.

Маҳалла комитети аъзолари аҳоли ўртасида оила, ахлоқ-одоб масалалари юзасидан мунтазам суҳбатлар ўтказишади, лекциялар уюштиришади. Ёшларга турмуш қуриш, оилада ота-оналарга, каттаю-кичикка иззат-ҳурматда бўлиш хусусида маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида мутахассислар жалб этилади.

Биз Ангрен шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётган режаларимизни тўла-тўкис амалга ошириш, хонадонларимизда ўтаётган турли маросимларнинг давримизга, фаровон турмушимизга мос бўлиши учун бундан буён ҳам кенг жамоатчиликка таяниб иш юритамиз.

Н. ИКРОМОВ,
Боқсуқ посёлкаси маҳалла комитетининг раиси.

Хатлар назоратида — ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

«ҚАРОР ЎРНИГА УЧ ИМЗО»

БИР МАҚОЛАГА ИККИ ЖАВОБ

ОҲАНГАРОН район партия комитети шуни маълум қиладики, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1984 йил 25 апрель сонида эълон қилинган «Қарор ўрнига уч имзо» мақоласида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Шу йил 18 майда мақола халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Совети ижроия комитетининг кенгашида муҳокама қилинди. Ижроком қарор қилди:

1. «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг турар-жой коммунал идорасига (Калмикова В. П.) қурилиш пластмассаси комбинатининг ходими А. Шишенковага қонунга хилоф равишда берилган ордерни бекор қилиш масаласини Оҳангарон халқ суди орқали ҳал этиш вазифаси топширилди.

2. Қурилиш пластмассаси комбинати ишчиси А. Давроновани биринчи микрорайондаги 54-уйнинг уч хонали 27-квартирасига кўчиб киришга қонунсиз деб ҳисобланган. Чунки унда бу квартирага кўчиб ўтиш учун ордер йўқ. А. Давроновани бу уйга ўзбошимчалик билан кўчиб кирганлиги ҳақидаги масала прокуратурага ҳавола қилинсин.

«Қарор ўрнига уч имзо» мақоласи район партия комитетининг бюросида 1984 йил 30 май куни кўриб чиқилди. Турар-жой қонунчилигини бузганлиги учун КПСС аъзоси, қурилиш пластмассаси комбинатининг директори Х. Ю. Юнусовга ҳайфсан эълон қилинди. Партия бюросининг секретари И. В. Лига маъмурият фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмагани ва касаба союз комитети фаолиятини эътибордан четда қолдиргани кўрсатиб ўтилди.

К. ИКРОМОВ,
Оҳангарон район партия комитетининг секретари.

«ҚАРОР ўрнига уч имзо» мақоласида келтирилган фактлар текшириб кўрилди ва ҳаммаси ўринли деб топилди. Қурилиш материаллари комбинати маъмурияти томонидан турар-жойларни ҳисоб-китоб қилиш ва тақсимлашда амалдаги қонун-қоидалар бузилаётганлиги масаласи министрлик коллегиясининг кенгашида кўриб чиқилди. Меҳнат қонунчилигини бузиш ва ўй-жой тақсимотида нуқсонларга йўл қўйгани учун комбинат директори Х. Ю. Юнусовга ҳайфсан эълон қилинди.

Т. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрининг ўринбосари.

РЕДАКЦИЯДАН:

ОҲАНГАРОН район партия комитетининг юқорида келтирилган жавобидан гўё А. Давронова ҳеч кимдан сўрамай бўш квартирага кўчиб кирган, деган маъно келиб чиқяпти. Бунинг устига шаҳар ижроқоми А. Давроновани ишини прокуратурага топширишга қарор қилган. Таажжубланса арзийдиган жавоб. Чунки А. Давронова аслида бу квартирага «ўзбошимчалик билан, ҳеч қандай ҳужжатсиз» эмас, балки комбинат маъмуриятининг уч имзоли хатига асосан кўчиб кирган. Энди эса А. Давронова «ўзбошимчалик билан кириб олган» дея йўл қўйилган хато ва қонунсиз ҳаракатни ҳаспўшлашмоқчи. Гап бу ерда уч хонали уйга «ўзбошимчалик билан кириб» олинганида эмас, балки қарор ўрнига ғайриқонуний тарзда жой берилганлиги устида кетмоқда.

Мақолада яна бир муҳим масала айтилган эди. У ҳам бўлса, бир неча йилдан бери тўрт боласи билан бир хоналик квартирада яшаётган ишчи аёл К. Қаршиеванинг яшаш шароитини яхшилашга ёрдам бериш зарурлиги кўтарилган эди. Афсўски, на район партия комитетининг, на министрликнинг жавобида бу ҳақда лом-лим дейилмайди. Хўш, агар юқоридаги уйлар қонунсиз деб топилса, улар кимга берилади? К. Қаршиеванинг навбати ва эҳтиёжи ҳисобга олиниб унинг аризаси қониқтириладими, йўқми? Редакция ана шу энг муҳим саволларга аниқ, узил-кесил жавоб кутади.

МОЛНИ АЛДАГАН ЎЗИНИ АЛДАЙДИ

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИНИНГ СУТ СОҒУВЧИСИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ М. ИСОҚОВАНИНГ ФЕРМАЛАРДА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

МЕН чорвадорман. Бир неча йилдан буён сут соғувчилик қилиб келаман. Шу касбим туфайли обрў-эътибор орттирдим, элга танилдим. Қўша-қўша орден, медаллар, унвон олдим. Ҳаётим фаровон, турмушим гўзал. Бахтиёр оиламиз бор. Ҳаммаси меҳнат туфайли.

Ҳақиқатан ҳам бизнинг замонимизда меҳнат шон-шараф ишидир. Меҳнатни, касбни қадрлаган, ардоқлаган киши ҳеч вақт кам бўлмайди. Ўйлаган ўйига, мақсадига, албатта, эришади.

Ҳамкасбларим, дугоналарим билан учрашиб, суҳбатлашганда кўпинча шу ҳақда фикрлашамиз, мулоҳаза қиламиз. Чорвадорлик касби — истиқболли касб эканлиги ҳақида фахрланиб сўзлашамиз.

Шунинг учун ҳам бу касбни ардоқлаш керак, куч-ғайратни аямасдан топшириқни адо этиш, элга берган ваъданинг устидан чиқиш учун курашиш керак. Бу эса сут соғувчидан, чорвадордан қунт ва ихлосни, сабр-тоқатни, энг муҳими ҳисоб-китоб билан иш олиб боришни талаб этади. Нима демоқчи эканлигимни тушунаётган бўлсангиз керак. Гап бу ерда ем-хашакнинг сарфи, сигирларни белгиланган рацион асосида тўйдириб боқиш, уларга қаровни яхши йўлга қўйиш хусусида бормоқда.

Афсуски, бу соҳада баъзан кўзбўямачиликка йўл қўйилади, ўзини ўзи алдаш ҳоллари учраб туради. Йиғинларда, мажлисларда бўлганимда айрим ҳамкасб дугоналарим ҳасрат қилиб қолишади. Шароитимиз бир хил, сигирларимизнинг зоти ҳам ёмон эмас. Нега соғиб олаётган сутимиз кўпаймайди, деб айтишади улар. Сизларнинг фермангизга, у ердаги ишга ҳавасимиз келади, сизга эргашиб, мўл-кўл сут соғиб олишга бел боғлаймиз-у, лекин уддасидан чиқолмаймиз.

Шунда мен уларни саволга тутаман.

— Сигирларни қатъий рацион асосида боқасизларми?

— Бўлмасачи.

— Айтинг-чи, рационда нималар бор?

Дугонам рационга нималар киритилганлигини бирма-бир санайди.

— Яхши-ку,— дейман,— агар сигирга шу айтилаётган нарсалар берилаётган бўлса, у ҳолда кўп сут соғиб олиш керак.

— Беш-олти литрдан ошмайди-ку, сабаби нимада?

— Сабаби ҳисобни билмасликда бўлса керак,— дейман. Ҳар кунлик ем-хашакни бирон марта тарозидан ўтказиб, ўлчаб кўрганмисиз?

— Йўқ,— дейди дугонам ҳайрон бўлиб. Зоотехнигимиз тузади рационни. Молбоқарлар озуқани тарқатишади. Уларга ишонамиз-да.

— Ҳамма касаллик ана шунда-да,— дейман ишониш ҳам керак, лекин текшириб туриш ҳам зарур-да!

КЕЛИНГ, ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК

Дугонам ўйланиб қолади. Ферма мудирлари билан суҳбатлашсангиз, ҳар куни сигирларга бунча ем, бунча озуқа, бунча хашак бераяпмиз, деб айтишади ва бунга ишонч ҳосил қилиш учун қоғозларни кўрсатишади.

Афсуски, амалда кўп ҳолларда бундай бўлмайди. Ахир, сигирнинг сути тилида, деб бежиз айтмайдиларку. Сигир рационда белгиланган озуқалар асосида боқилса, яхшилаб парвариш қилинсагина у сутини аямайди.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, сут соғувчилар ҳисоб-китоб билан иш юритишлари керак. Улар хўжалик раҳбарлари, ферма мудирлари, мутахассисларга нисбатан талабчан бўлишлари лозим. Биз ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш бўйича зиммамизга мажбурият қабул қилдикми, уни бажаришимиз керак, шунинг учун сигирнинг емиши бут бўлсин, деб қатъий туриб олишимиз лозим. Ҳар кунги бериладиган озуқани, албатта, тарозидан ўтказиб қабул қилиб олишни одат тусига киритиш керак. Ана шунда тартиб-интизом бўлади. Ана шунда сигирлардан мўлжалдаги сутни соғиб олиш учун имконият туғилади. Молни алдаган ўзини алдайди. Сут соғувчиларимиз бунга йўл қўймасликлари керак. Бу айни куннинг талабидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ем-хашак планларини бажаришдаги кўзбўямачиликлар ҳам бежиз танқид қилинмади. Ахир тўғри-да, нега ўзини-ўзи алдаш ҳолларига биз чорвадорлар, сут соғувчилар тоқат қилишимиз керак. Айрим хўжалик раҳбарлари дўппи тор келиб қолганида юқори ташкилотларга яхши кўриниш, вақтинчалик мақтовга сазовор бўлиш ва ноқулай вазиятдан амаллаб қутулиб қолиш учун, ўз айбларини, ношудликларини хаспўшлаш учун мавжуд ем-хашакларни ошириб кўрсатадилар, ҳатто бир ярим — икки йиллик план миқдорида хашак жамғариб қўйдик, деб рапорт берадилар. Кейинчалик эса қоғозда бор-у омборда йўқ бўлган ана шу озуқани моллар еганлиги ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириб қўядилар.

Бунинг азобини эса чорвадор, сут соғувчи тортади. Бунга бизлар йўл қўймаслигимиз керак. Сут соғувчи, чорвадорга топшириқ берилдими, унга ҳамма имкониятлар яратиб қўйилиши шарт. Бугун мен ана шулар ҳақида очиқчасига гаплашиб олишни лозим кўрдим. Бундан буён кўзбўямачиликнинг ҳар қандай кўринишларига болта уришимиз, чорвачиликнинг бирон соҳасида ҳам унга йўл қўймаслигимиз шарт. Совет кишиларн фаровонлигини чинакам ўстириш вазифалари худди шундай қилишни тақозо этади.

Н. РИХСИЕВ ёзиб олди.

КОЛХОЗ ОЛМАЗОРИДА

● Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг III Интернационал участкаси боғларида олмалар ғарқ пишди. Боғбонлар ҳосилни пешма-пеш териб пойтахтимиз ва қардош республикалар меҳнат аҳли дастурхонига тортиқ қилмоқдалар. Суратларда (юқорида) Гулзира Қўйлибоева ҳамда Раъно Ўтепова, Лола Исманова каби илғор соҳибкорларни кўриб турибсиз. Улар олма ҳосилини териб олишда бошқаларга намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

А. Аҳатов фотоси.

ҲАР БИР МЕВАЛИ ДАРАХТ ҲИСОБДА БЎЛСИН

МЕВА ва узум етиштиришни кўпайтириш СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Кейинги йилларда областимизда бу соҳада катта ишлар бажарилди.

Бу соҳада Бўстонлиқ, Калинин, Оржоникидзе, Тошкент, Янгийўл районларида кўрилаётган тадбирлар, айниқса, яхши самара бераётир. Оржоникидзе районидаги Р. Мусамуҳамедов номли, «Қибрай», Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ», «Хўжакент» совхозлари, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли агросаноат бирлашмасига қарашли хўжаликлар ва Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозларида мевазорлар, узумзорлар кенгайди, ҳосилдорлик ортиб бормоқда.

Лекин областда бу соҳадаги ютуқларни мустаҳкамлаб, маҳсулот хиллари, ассортиментини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун резервлар, имкониятлардан тўла фойдаланиш керак. Колхоз ва совхозларда узумнинг кишмиш ва хўраки навларини меваларнинг ўрик, шафтоли, анор сингари турларини кўпайтириш талаб этилади. Цитрусчиликни янада ривожлантириш зарур.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун энг аввало ҳар бир район, хўжаликнинг имкониятлари, боғ ва токзор майдонлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур. Статистика органлари мана шундай маълумотлар олиш учун вақти-вақти билан кўп йиллик мевали дарахтларни рўйхатдан ўтказиб турадилар.

Мевали дарахтлар ва токларни Бутуниттифоқ рўйхатига олиш энг сўнгги марта 1970 йилда амалга оширилган эди. Тошкент областида шу йилнинг 15 июлидан 15 августигача мевали дарахтлар ва узумларни навбатдаги Бутуниттифоқ рўйхатга олиш ойлиги ўтказилади.

Ҳозир бу ишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Совхоз ва давлат хўжаликларида бу ишни ана шу мақсад учун ажратилган махсус кишилар мутахассислар раҳбарлигида, колхозларда эса правление ва махсус ташкил этилган бригада амалга оширади. Колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг томорқаларидаги мевали дарахт ва токлар эса маҳаллий Советлар томонидан район ва шаҳар статистика бошқармалари мутахассислари раҳбарлигида рўйхатга олинади.

Халқ депутатлари район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари, район агросаноат бирлашмалари, давлат статистикаси инспекторларига бу муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган тадбирни муваффақиятли ўтказишда ёрдам беришлари зарур.

О. СТРОЕВА,
Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бўлими бошлиғи.

СТУДЕНТЛАР ЁРДАМИ

ТОШКЕНТ Давлат медицина институти студентлари ўзларининг ёзги меҳнат семестрларини областимизнинг бир қатор зарбдор қурилишларида ўтказишга аҳд қилдилар. Талабаларнинг 600 нафари болалар боғчалари, мактаб, маданий-маиший муассасалар барпо этишда қатнашадилар.

Ёзги таътил мобайнида 500 нафар студент эса Оржоникидзе районидаги колхоз ва совхозларнинг дала гвардиячиларига мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини йиғиштириб олишда, ем-хашак тайёрлашда кўмаклашадилар. Студентларнинг бу давр мобайнида амалга оширадиган ишларининг умумий ҳажми ками билан 120 минг сўмни ташкил этади.

С. СУЛТОНОВ.

КАРТОШКА ЕТИШТИРУВЧИЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

НАВ ТАНЛАШДА ЯНГЛИШМАНГ

Республикамизда картошка етиштиришни шу беш йилликда 3,5 марта кўпайтириш ва беш йиллик охирига бориб ялпи ҳосилни 1 миллион тоннага етказиш мўлжалланган. Шунда Ўзбекистон аҳолиси асосан маҳаллий картошка билан таъминланади.

Буни ҳисобга олиб Ўзбекистон мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ва ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими 1983 йили Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли совхоз базасида дастлабки картошка уруғчилиги лабораторияси ташкил қилди.

Бу лабораторияда картошканинг ер юзида мавжуд бўлган 200 туридан анчагинаси тўпланган. Ана шулар орасидан касалликка чидамли, тезпишар ва серҳосил навларни танлаб экишни билиш керак. Бу ўсимлик жой танлайди. Картошка сара уруғи тоғли зонада экилса ундан сурункасига мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин. Водий ва чўл зоналарга экканда эса ҳаво ва тупроқ ҳароратини албатта ҳисобга олиш керак бўлади. Масалан, картошка тупроқ ҳарорати 7—8 даража иссиқ бўлганда 20—24 кунда, 12—15 даража бўлганда 15—17 кунда униб чиқади, ҳаво ҳарорати яна кўтарилса, бу муддат тағин ҳам қисқариши мумкин. Бироқ тупроқ ҳаддан зиёд қизиб, 25 даражадан ошиб кетса, картошка куртагининг ўсиши ва ривожланиши секинлашади ва бутунлай тўхтаб қолади ҳам. Тупроқ ҳарорати 7 даражадан паст бўлса ҳам унинг униб чиқиши сусаяди, касалликларга тез чалинади. Умуман вегетация даврида тупроқнинг нормал ҳарорати 18—25 даража оралиғида бўлиши керак.

Мўл ҳосил олишда сув ва ҳаво режими катта роль ўйнайди. Картошканинг сувга талаби навига, олинадиган ҳосил миқдори ва палагининг ривожига қараб белгиланади. Эртапишар навларини 6—8 марта, кечпишар навларини эса 10—12 марта суғориш керак. Ўсимлик гулга киргунга қадар 10—12 кун оралатиб, гуллай бошлагандан кейин эса ҳар 5—7 кунда, кечаси суғорилади. Бунда тупроқ бир текис намланишига эришиш, пуштанинг сув босишига йўл қўймаслик лозим. Тупроқнинг нами етарли бўлиши билан сифатли чопиқ қилинади. Чунки картошканинг илдизлари ва туганаклари учун ҳаво етарли бўлиши керак, акс ҳолда сув босганда, тупроқ зич бўлганда ҳосил камайиб кетади. Шунинг учун ҳам картошка даласининг тупроғи доимо юмшоқ, донадор бўлиши шарт.

Ўсимлик тупроқдаги озуқа моддаларни кўп миқдорда ўзлаштириб олади. Унинг ҳар 100 центнер ҳосили тупроқдаги 50—60 килограмм азот, 20—30 килограмм фосфор ва 90—110 килограмм калий кучи эвазига вужудга келади.

Ўғит нормаси тупроқнинг агрохимик картограммаси асосида белгиланади. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг асосий қисми кузда гўнг билан бирга солинади. Азотли ўғитлар экиш вақтида, қолганлари биринчи чопиқда солинади. Уруғлик учун экилган картошкага солинадиган азотли ўғитлар гектарига 100—150 килограммдан ошмаслиги, ғўнг миқдори 15—20 тоннадан кам бўлмаслиги керак. Агар тупроқда калий етишмаса, ўсимлик барги сарғаяди, бужмайиб қуриб қолади, азот етишмаганда эса ўсиши секинлашади, барги оч-яшил тусда бўлади. Тупроқда фосфор танқчил бўлса картошканинг гуллаши ва ҳосил пишиши секинлашади, поя ўсишдан тўхтайди, барги майдалашиб, ингичка тортади. Натижада ялпи ҳосил камайиб кетади.

Картошка пишиб етилиши билан тезда қазиб олиш керак, акс ҳолда уруғлик ёки истеъмол учун ишлатилишидан қатъи назар, унинг сифати бузилади. Қазишдан 10—15 кун олдин суғоришни тўхтатиш лозим.

Истеъмол қилинадиган картошка қазиб олингач, тезда омборга келтирилиб, қоронғи жойда сақланади. Агар ёруғда туриб қолса, сиртида хлорофилл тўпланиб, заҳарли модда — солонин миқдори кўпаяди. Бундай картошка аччиқ бўлади, уни истеъмол учун ишлатмаган маъқул. Уруғлик картошка эса, аксинча солонин кўп бўлса, сифати ортади ва узоқ сақланади.

Н. ЎСМОНБЕКОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЕР ИСЛОҲОТИ АМАЛДА

КОБУЛ. (ТАСС). АДРда демократик ер ислоҳоти кучайиб бормоқда. Жузжон вилоятидаги Гук Гомбад қишлоғида ерсиз ва кам ерли яна 150 деҳқон оиласи давлатдан бепул ер олди. Шу йилнинг бошларида Афғонистон Халқ Демократик партияси ва АДР революцион ҳукумати деҳқонлар учун бир қанча қўшимча имтиёзларни қабул қилдилар. Афғонистондан ташқарида уя қурган аксилинқилобчилар мамлакатни ривожлантириб боришда ер ислоҳотининг роли ғоятда муҳимлигини англаб, уни амалга оширишни барбод этиш учун зўр бериб уринмоқдалар. Афғон деҳқонларини оммавий террор қилиш босмачиларнинг ана шу мақсадга эришиш йўлидаги асосий методи бўлиб қолди. Аммо ер ислоҳотидан баҳраманд бўлган меҳнаткашлар кенг оммаси аксилинқилобчиларнинг кирдикорларига тобора қатъий зарба бермоқда. Ҳозир бутун мамлакатда кўнгилли деҳқонлардан уларнинг яшайдиган жойларида инқилоб ҳимоячилари отряд ва группалари тузилмоқда. Мамлакат шимолидаги Шибирғон шаҳридан 35 километр беридаги Хўжа Доко қишлоғидан 58 яшар Бобо Наим «Кобул нью таймс» мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди: «Апрель революцияси менга ер берди. Аввалига ҳатто қўрқиб кетдим. Чунки умр бўйи қишлоғимиздаги заминдор учун ишлардик. Шундан кейин босмачилар пайдо бўлди. Ким дўст ва ким душманлигини билиб олишимиз учун бир мунча фурсат керак бўлди, албатта. Шундан кейин бу кишиларнинг фақат босмачи эканлигини тушундик. Улар чет элга қочиб кетган ўша заминдорнинг одамлари бўлиб чиқди. Шундан кейин қўлимизга қурол олиб, оиламизни, уйимизни, экинимизни ҳимоя қила бошладик». Бобо Наим ва маҳаллий деҳқонлардан яна 20 киши қишлоқ ва дала бўсағаларида навбатма-навбат соқчилик қилишмоқда. Уларнинг вазифаси душман пайдо бўлганида аҳолини вақтида хабардор қилиб қўйишдан иборат. Шундан кейин Хўжа Доконинг юзлаб эркаклари қўлига қурол олиб, ўз ерлари, ўз ҳокимиятлари ва янги ҳаётни ҳимоя этишга отланишади. «АДР халқ армиясида хизмат қилаётган ўғлимга хат ёзар эканман, у билан бирга битта йўлни — Апрель революциясини ҳимоя этишни, ҳақиқат ва адолат учун курашни танлаб олганлигимизни ҳамиша уқтираман»,— дейди пировардида Бобо Наим.

АНГЛИЯ ИШЧИЛАРИ ВА КАСАБА СОЮЗ ҲАРАКАТИГА ДАЪВАТ

ЛОНДОН. Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари Гордон Макленнан Буюк Британия ишчилар ва касаба союзлари ҳаракатига мурожаат қилиб, мамлакатдаги барча тараққийпарвар кучларни кончиларнинг ўз касаба союз ҳуқуқлари учун, ишсизликка қарши олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашга чақирди. Англия шахтерлари тўрт ойдан буён стачкани давом эттириб, кўмир саноати миллий бошқармасининг 20 шахтани ёпиб қўйиш ва 20 минг меҳнаткашни ишдан бўшатиш ҳақидаги режалари бекор қилинсин, деб талаб этмоқдалар.

Британия коммунистларининг раҳбари Лондонда ўтказилган митингда сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: М. Тэтчер ҳукумати давлат аппаратининг бутун куч-қудратини кончиларга қарши ташлади. Биз бунга жавобан шахтерларнинг ғалабасини таъминлаш учун мамлакатдаги ишчилар ҳаракатини жипслаштиришимиз керак.

ВЕНЕСУЭЛА АЁЛ ЮРИСТЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ХИТОБНОМАСИ

КАРАКАС. Венесуэла аёл юристлар федерацияси бу ерда тинчликни ҳимоя этишга қаратилган хитобномани эълон қилди. Бу ҳужжат Лотин Америкасидаги барча юристларни халқларнинг яшаш, эркинлик, миллий тақдирини ўзи белгилаш ва ривожланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқишга даъват этди.

Ҳозирги кунда, деб таъкидлаб ўтилади хитобномада, демократик кучларнинг қирғин келтирувчи термоядровий қуролланиш пойгасига қарши, турли социал-сиёсий системалардаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик учун курашдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ.

Венесуэла тинчлик тарафдорлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қилиб, планетадаги ёш авлодни халқларнинг тинчлиги, дўстлиги ва халқаро бирдамлигига садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кенг кампанияни авж олдиришга чақирди.

ДУШМАНЛИК ҲАРАКАТИ

СОФИЯ. (ТАСС). АҚШ сенати БХР билан савдо-сотиқни чеклаб қўйишга қарор қилганлигини Болгария раҳбарлари ва жамоатчилиги душманлик ҳаракати, деб баҳолайдилар ҳамда бу ғирвогарона қарорга қарши кескин норозилик изҳор этадилар, дейилади БТА агентлигининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Бу қарор жаҳон жамоатчилигининг кўз ўнгида Болгариянинг ички ва ташқи сиёсатини обрўсизлантириш мақсадини кўзлайди. У Рейган маъмурияти эълон қилган реал социализмга қарши «салиб юриши»нинг ҳамда Шарқ билан Ғарб ўртасида муҳолифликни кучайтириш йўлининг бир қисмидир, бу йўл ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро вазият хатарли равишда кескинлашувига олиб келди.

Сенат қабул қилган чеклашлар учун кўрсатилган важ янги эмас, деб уқтирилади баёнотда, чунки унда қарийб икки йилдан бери БХРга қарши ўтказилаётган мислсиз миқёсдаги туҳмат кампанияси учун асос бўлган машмашалар сўзма-сўз такрорланган. АҚШ сенати Болгарияни Рим папасига суиқасд қилишда қатнашган, деб асоссиз равишда айблаб, БХРнинг социалистик тузумга ёт бўлган халқаро терроризмга қарши курашга қўшган ва ҳаммага маълум бўлган ҳиссасини инкор қилмоқда. Болгарияни Никарагуага ёрдам беришда ҳам айбламоқдалар. Ҳолбуки БХР суверен давлат бўлиб, ўзининг ички ишларига ҳеч кимнинг аралашишига йўл қўймайди.

Болгария Халқ Республикаси барча мамлакатлар билан тинчлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка қаратилган изчил йўлни ўтказиб келмоқда, деб таъкидлайди БТА агентлиги, АҚШ сенатининг қарорини Болгария — Америка муносабатлари учун жуда салбий оқибатлар келтиради-ган ғайри қонуний сиёсий ҳаракат, деб баҳолашдан бошқа иложи йўқ.

«ЧАД ПРОБЛЕМАСИ АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА ҲАЛ ЭТИЛСИН»

АНТАНАНАРИВУ. Чад миллий бирлик муваққат ҳукумати Чад проблемасини Африка Бирлиги Ташкилоти доирасида ташқаридан аралашувга йўл қўймай, миллий келишув асосида ҳал этишга интилмоқда. Миллий бирлик муваққат ҳукуматининг бу ерга визит билан келган раиси Гукуни Уэддей шу ҳақда гапирди. (ТАСС).

ГФР МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ МУРОЖААТИ

БОНН. Ғарбий Германиянинг таниқли маданият арбоблари Американинг биринчи зарба беришга мўлжалланган янги ядро ракеталарини ГФР территориясида жойлаштириш тўхтатилсин ва бу ерда ўрнатилган «Першинг-2» лар олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилдилар. Бу арбоблар орасида ёзувчилардан Дитер Латман, Макс Фон Дер Грюн, режиссёр Маргарете Фон Тротта, актёр Дитер Зюверкрюп ва бошқалар бор. Улар ГФР нинг урушга қарши оммавий ҳаракати — «Крефельд ташаббуси»нинг тўртинчи анжуманига тайёргарлик муносабати билан шундай тадбирларни амалга оширишга даъват этдилар.

(ТАСС).

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

СТОКГОЛЬМ. АҚШ, Канада ва Буюк Британия маъмурларининг йўл қўйиб бериши сабабли шу мамлакатлар территориясида ҳаракат қилаётган сепаратчи марказлар Панжоб штатидаги экстремист унсурларнинг ҳукуматга қарши қаратилган фитналарига йўл-йўриқ кўрсатиб турдилар ва уларни пул билан таъминладилар. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Швецияда чиқадиган «Дагенс нюхетер» газетасида босилган суҳбатида шу ҳақда гапирди. Ана шу давлатларнинг ҳукуматлари, деб таъкидлади Индира Ганди, экстремист унсурларнинг Ҳиндистон территориал бутунлигига путур етказиш мақсадини кўзда тутган фаолиятига чек қўйишлари керак эди. Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Панжобдаги вазиятнинг кескинлаштирилганлиги учун бутун жавобгарлик мутаассуб кишилар, қурол-яроғ ва қора дори сотувчилар, жиноятчи унсурлар зиммасига юкланади, деб уқтирди.



ЛИМА. Перуда меҳнаткашларнинг нарх-навонинг қимматлашаётганлиги, ишсизликнинг кўпаяётганлигига қарши оммавий чиқишлари бўлиб ўтмоқда. Иш ташлаган давлат хизматчиларини Талара шаҳри яқинидаги Америка нефть компанияси корхоналарида ишлаётган ишчилар қўллаб-қувватладилар. Матбуот хабарларига кўра Арекипа, Такна, Куско ва бошқа шаҳарларда ҳам оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Полиция намойишчиларга қарши куч ишлатди. Суратда: Лимада бўлиб ўтган норозилик намойиши қатнашчиларидан бирини қамоққа олиш пайти.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

УМИДСИЗЛАР ФОЖИАСИ

Ҳар йили 27 минг америкалик ўзини ўзи ўлдиради. Америка матбуоти маълумотларига кўра шу йилнинг ўзида АҚШ гражданларидан 30 минг киши ўз ихтиёрлари билан ҳаётдан кўз юмишлари мумкин.

Олимлар ва жамоат арбобларининг фикрига кўра, Қўшма Штатлардаги миллионлаб кишиларнинг ғоят оғир шароитларда турмуш кечираётганликлари уларнинг оммавий равишда ўз-ўзини ўлдиришларига олиб келяпти. «Ҳозирги ҳукумат тобора кўпроқ америкаликларни энг зарур инсон ҳуқуқларидан — меҳнат қилиш, уй-жойли бўлиш ва бошқа ҳуқуқлардан маҳрум этмоқда, — деб таъкидлайди АҚШ граждан эркинликларини ҳимоя қилиш иттифоқининг адлиявий директори Б. Нъюберн. — Социал мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар кескин камайиб кетаётганлиги сабабли расмий равишда белгиланган камбағаллик даражасидан ҳам ночор аҳволда турмуш кечираётган америкалик гражданларнинг сони муттасил кўпайиб бормоқда».

Ҳокимият тепасига Рейган маъмурияти келгандан кейин мамлакатда ишсизлар сони рекорд даражага — 12 миллион кишига етди. Ўз жамиятига бегона бўлиб қолган бу кишилар келажакдан, қачонлардир ишлик бўлишдан умидларини узиб қўйганлар. Жон Гопкинс институти социологларидан бирининг ҳисоблаб чиқишига кўра, ишсизлик даражаси атиги бир процентга ортганда мамлакатда ўлимлар сони 35-36 мингтага кўпаяди.

Айни пайтда расмий равишда белгиланган камбағаллик даражасидан ночор аҳволда турмуш кечираётган кишилар сони 29,6 миллиондан 37 миллион кишига кўпайди. Америка матбуотининг тан олишига кўра ҳозирги пайтда мамлакатда 3 миллионга яқин оч қолаётган кишилар бор. Капиталистик дунёдаги энг бой ҳисобланган бу мамлакатда бир товоқ бепул овқат олиш учун соатлаб навбат кутаётганлар сони тобора кўпайиб боряпти.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЕФАСИ

Салкам 3 миллион америкалик бошпанага эга эмас. Улар тунни тўғри келган жойда — ертўлаларда, кўприклар остида, метроларнинг вентиляция панжаралари устида ўтказадилар. Шуниси даҳшатлики, бу бошпанасизларнинг ярми олий маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Ана шу шароитларда ҳам Рейган маъмурияти социал программалар учун ажратилаётган маблағни қисқартирмоқда, турар-жой қурилишини камайтиряпти. «Ю. С. ньюс энд Уорлд рипорт» журналининг гувоҳлик беришига кўра, 1978 йилда давлат маблағлари ҳисобига қурилиши бошланган 139 мингта турар-жой биносидан ўтган йили фақат 32 мингтасининг қурилишини давом эттиришга рухсат берилган. Шунга қарамай Рейган маъмурияти инсон ҳуқуқлари тўғрисида «ғамхўрлик» қилаётганлиги хусусида оғиз кўпиртираётганлиги таажжубланарлидир.

Ёш, куч-ғайратга тўла америкаликлар ўз-ўзларини ўлдираётганликлари АҚШ жамоатчилигини, айниқса, ташвишга соляпти. Бу ёшлар билим олиш, ишга жойлашиш, турар-жойга эга бўлишда ўтиб бўлмайдиган тўсиқларга дуч келмоқдалар. Жумладан, ёшлар ўртасида ишсизлик баъзи ҳолларда 50 процентга етади. Ҳаётда истиқбол бўлмагач, улар гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиб кетадилар. Ёшлар бу билан адолатсиз жамият муаммоларидан ўзларини чалғитмоқчи бўладилар. Аммо кўп ҳолларда худди ана шу гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик фожиаларга сабаб бўляпти. Ҳар йили тахминан 5 минг ёш йигит ва қиз ўз-ўзини ўлдиради. Яна 250 минг ёш эса ихтиёрий равишда ҳаётдан кўз юмишга уриниб кўради.

«Сан-Диего юнион» газетаси Оқ уй иқтисодий сиёсати тўғрисида фикр юритар экан «Бойлар бойимоқда, камбағаллар камбағаллашмоқда» деган хулосага келади. Бу иқтисодий сиёсат миллионлаб америкаликлар турмуш фаровонлигини ҳарбий бизнесга қурбон қилмоқда. Ўзини «эркин дунё» деб даъво қилаётган бу жамиятда оддий инсонларча турмуш кечиришдан маҳрум этилган кишилар учун ўз-ўзини ўлдириши умидсизликка чек қўйишнинг сўнгги чораси бўляпти.

В. БАШКИН.
(АПН).

● Чотқол тоғ тизмасининг кўркам ва хушҳаво қисмида жойлашган «СССР 60 йиллиги» пионерлар лагерида Тошкент шаҳри ва пойтахт областимизнинг турли районларидан келган минг дан ортиқ ўғил-қиз дам олади. Ўқувчилар табиат қучоғига сайр қилиш, спорт секциялари ҳамда тўгаракларда қизиқарли машғулотлар ўтказишдан ташқари «Хўжакент» совхози деҳқонларига мева ва сабзавот йиғим-теримида кўмаклашмоқдалар.

Суратда: бу қизлар машғулотлардан бўш вақтда китоб ўқишни севишади.
ди. А. Абалян ва И. Шаропов фотоси. (ЎзТАГ).

Бизнинг ахборот

ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ

ПАРКЕНТ районида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш тармоқлари кўпайиб бормоқда.

Яқинда «Паркент» совхоз-заводи меҳнаткашлари учун қулайлик яратилди. Совхоз марказида янги универмаг ишлай бошлайди.

Замонавий услубда бунёд этилган бу янги магазин тайёр кийимлар, трикотаж, галантерея, ёдгорлик совғалари, уй-рўзғор ва хўжалик буюмлари билан савдо қилмоқда.

М. УСМОНОВ.

ҲАШАРЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ОРЖОНИКИДЗЕ районн меҳнаткашларига намунали маданий хизмат кўрсатаётган «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Нозик табассум» ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари бу сафар Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Химик» совхози дала шийпонига келдилар.

Бадиий ҳаваскорлар чорва қишлови учун ем-хашак тўплаётган ҳашарчилар ҳузурида концерт қўйиб бердилар. Ансамблнинг Баҳодир Аҳмедов, Дилдора Турсунова, Наргиза Алимова каби аъзоларининг куй ва қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлди.

Райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Дўстлик тароналари» халқ ашула ва рақс ансамбли ҳам хўжаликда меҳнат қилаётган ҳашарчиларга катта программада концерт намойиш этди. Шу кунларда хўжалик қир-адирларида районнинг турли ташкилотларидан келган 400 нафар йигит-қиз озуқа тайёрлашда иштирок этмоқда. Улар чорва қишлови учун 1000 тонна табиий ўт ўриб бериш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача улар ўрган ўт 350 тоннадан ошиб кетди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР

ЎРТА ОСИЁ педиатрия медицина институти яқинида қад ростлаган тўққиз қаватли бу бино студентлар ётоқхонасидир. У 300 галабага мўлжалланган.

Кенг, ёруғ хоналарда студентларнинг ҳордиқ чиқаришлари ва дарс мутолаа қилишлари учун шароитлар яратилган. Дам олиш, ванна хоналар, қизил бурчак, ошхона-буларнинг бари талабалар ихтиёрида бўлади.

Институт студентлари ва тайёрлов курс тингловчилари ушбу бинони тез ва сифатли қуриб битказишда бунёдкорларга яқиндан ёрдам бердилар. Улар тез-тез шанбаликлар уюштирдилар, дарсдан бўш вақтларида ҳашарга чиқдилар.

А. ТЎРАЕВ.

УЙ БЕКАЛАРИГА МАНЗУР

ЯНГИБОЗОРДА аёлларга яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда тайёр масаллиқлар чиқаришга ихтисослашган цех очилди.

Шу муносабат билан магазинларнинг деярли барчасида уларни сотишга мўлжалланган бўлимлар ташкил этилди.

Цехда 15 турда тайёр масаллиқлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар яхна гўшт, балиқ, қийма ва котлетлар, турли ширинликлардир. Харидорлар кенг ассортиментдаги бу маҳсулотларни қувониб сотиб олмоқдалар.

Ш. ШАРИПОВА.

САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

ВАНЦЕТТАХОНИМ КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Архитекторлар союзининг кўргазмалар залида рассом Ванцеттахоним Қори-Ёқубова асарларининг кўргазмаси очилди.

Кўргазмага 50 дан ортиқ асар қўйилган. Портрет, манзара ва натюрморт жанрларидаги бу суратлар жонли ва табиийлиги билан томошабинлар эътиборини тортади. Ванцеттахонимнинг «Алагез Салоҳова портрети» (1978), «Латиш рассоми Витольда портрети» (1982), «Паша Коробов» (1973), «Ўзбекистон ССР халқ артисти Қори-Ёқубов портрети» (1978), «Она портрети» (1982), «Қумғонлар» (1975), «Ёзги натюрморт» (1980), «Қизил гуллар», «Оқ гуллар», «Жигар ранг гуллар» (1982) каби асарларида кишиларнинг маънавий олами, яратувчилик фаолияти ва табиат гўзалликлари акс эттирилган. Рассом бу асарларида бўёқлардан моҳирона фойдаланган.

Кўргазма асарлари орасида «Алагез Салоҳова портрети»нинг жозибали чиққанлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Картинада диванга ёнбошлаган аёл образи тасвирланган. Унинг тим қора кўзлари ўйчан, нимадандир дилгир. Эҳтимол, кимнидир кутаяпти. Айни чоғда аёл нигоҳида қандайдир ўктамлик сезилади. Юрагидаги олижаноб туйғулар чеҳрасига балқиб чиққан. Бўёқлар тилида бу усталик билан ҳикоя қилинади.

Ванцеттахоним ўз изланишларида замонавий асарлар билан бирга тарихий мавзуларга ҳам эътибор билан қарайди. Рассомнинг «Чор минор» (1955), «Ситораи Моҳи Хоса» (1955), «Бухоро бозорида» (1955) каби картиналари шундан далолат беради.

СССР Рассомлар союзининг аъзоси, москвалик рассом, СССР халқ артисти Тамарахонимнинг қизи — Ванцеттахоним асарлари халқимиз ҳаётини рангин бўёқларда ифода этувчи манба сифатида қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Д. ҚОДИРОВА.

РАҲМАТ, ИБОДАТ ОПА!

ҚИЗЧА ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

— Ая, аяжон!..

Эндигина кечки овқатга уннай бошлаган Ибодат опа кенжа ўғлининг жонҳолатда ҳовлига югуриб кирганини кўриб, бир лаҳза эсанкираб қолди. Эс-ҳушини йиғиб, сўз очишга улгурмасиданоқ, ўғли унинг этагига ёпишди.

— Ая, анави Марям опанинг қизи Урбигул борку,— деди йиғламсираб,— ўша каналга тушиб кетди...

Ибодат опа ўғлининг бошқа сўзларини эшитмади. Қозонда доғ бўлаётган ёғини ҳам унутиб, кўчага отилди.

У ташқарига чиққанда етти-саккиз нафар болакай қий-чув кўтариб, бетонлаштирилган канал бўйлаб югуришар, шиддат билан оқаётган сувда қўшни қиз Урбигул гоҳ кўмилиб, гоҳ юзага чиқиб, тобора узоқлашиб борарди.

«Қизалоқни қутқариш керак». Ибодат опа оний лаҳзада хаёлидан шу фикрни ўтказди-ю, қирғоқ бўйлаб югуриб бориб, ўзини сувга отди. Икки-уч ҳамла билан канал ўртасига етиб олиб, беҳуш қизалоқнинг этагидан тутди-да, аллақандай ғайритабиий куч билан уни қирғоққа ирғитди. Аммо шу дақиқада ўзи чалқанчасига йиқилиб, пўртаналар гирдобида қолди. Сузишни билмаслиги шу пайтда унга панд берди. Ҳарчанд уриниб, қирғоққа интилмасин, оёқлари қияликда сирғалиб, яна каналга йиқилар, шитоб билан оқаётган сув дақиқа сайин уни ўз комига тортарди.

Хайриятки, тилсиз ёв билан олиша-олиша ҳолдан тойган сўнгги лаҳзада ёрдамга етиб келган катта ёшли болалар унинг жонига оро киришди. У соғ-омон қолганига ишониб-ишонмай, ерга ҳолсизгина чўзилар экан, сув юзасида қалқиб бораётган рўмолини кўзи аранг илғаб қолди. Сўнгра боши айланиб, кўз олди қоронғилашди. Ён-атрофини ўраб олган кишиларнинг овози эшитилмай қолди...

Бу ҳодиса яқинда Бекобод районида рўй берди. «Ленинград», «Кўкорол» ва Колпакова номли совхозлар далаларини сув билан таъминловчи катта канал бўйида ўйнаб юрган болалар орасидаги тўрт ёшли қизалоқ — Урбигул Каипназарова ногаҳон сувга тушиб кетди. Нохуш воқеадан хабар топган уй бекаси Ибодат Жумабоева ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, жажжи ҳамқишлоғини ҳалокатдан сақлаб қолди. Бироқ қаттиқ жароҳатланганлиги туфайли бир ҳафта шифохонада ётиб, даволаниб чиқди.

— Ибодатхон оиламиз учун энди ўз туғишганларимиздек азиз ва қадрли бўлиб қолди, — дейди Урбигулнинг ота-оналари — Колпакова номли совхоз шофёри Абдували ака ва уй бекаси Марям Каипназаровалар қувончларини ичларига сиғдиролмай. — Насиб этса, қиз кўрсак, исмини, албатта, Ибодат қўйиш ниятидамиз.

А. ҲАЙДАРОВ.

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДА

● ҚОРАНҚУЛ қишлоғида янги магазин фойдаланишга топширилди. Унда саноат моллари билан савдо қилинмоқда. «Хўжакент» ишчилар кооперациясига қарашли бу савдо тармоғини район матлубот жамияти қурилиш бригадасининг аъзолари бунёд этишди. Янги магазинда комсомол-ёшлар ишламоқда.

● ҒАЗАЛКЕНТ шаҳрида Вавилов кўчаси ва тоштарошлик комбинати оралиғида янги автобус қатнови йўлга қўйилди. Бу шаҳарликларни мамнун этган бўлса, «Новгород» совхози — Ғалвасой автобус маршрутининг очилиши қишлоқ аҳлини қувонтирди.

● «ФЕРУЗА» пионер лагерида ёзувчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Уни шаҳар болалар кутубхонаси ходимлари ташкил этдилар. Зиёкорлар оталиғидаги бу лагерга келган ёзувчилардан Б. Пак ва Н. Букановлар ёшларга ўзларининг ижодий режалари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

● ЯҚИНДА «Коммунизм учун» район газетасининг кўчма кубоги учун футбол мусобақаси ташкил этилди. Кубок ўйинларида меҳнат коллективларининг 16 командаси иштирок этди. Жданов номли колхоз футболчилари ғолибликни қўлга киритдилар.

● ҲАВАСКОР қаламкашлар ижодий уюшмасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика ёзувчилар союзи область бўлимининг масъул секретари Тоҳир Малик суҳбат ўтказди. Ҳаваскорлар оммавий ахборот воситаларида ёритилажак асарларининг долзарб мавзуларини белгилаб олдилар.

И. ПИРМЕТОВ.

СПОРТ

● **БАСКЕТБОЛ. Риганинг ВЭФ командаси Сенегал пойтахти Дакарда миллий терма командаси 80:54 ҳисобида мағлубиятга учратди. Совет командасида Андрис Екабсонс маҳорат кўрсатди.**

СССР терма командасининг спортчилари Будапештда ниҳоясига етган халқаро турнирнинг якунловчи ўйинида Италия командасини 112:86 (62:40) ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

СССР терма командаси Югославия командаси каби тўрт очко тўплади, бироқ биринчи ўринни Югославия спортчилари эгалладилар. Совет баскетболчилари билан учрашувда уларнинг қўли баланд келди.

● ТЕННИС. Совет спортчилари Польшада ниҳоясига етган анъанавий халқаро Краков теннис турнирида барча финалларда ғолиб чиқишди.

Якка разрядда Юрий Филев польшалик Альфред Хробек билан учрашувда 6:1, 6:3 ҳисобида муваффақият қозонди, Нина Авдеева эса польшалик теннисчи Эҳиз Эльжбет Жабоклицкаяни 6:2, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

● СУВ ЧАНҒИСИ. Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпиони ва рекордчиси Москва областининг Дубна шаҳридан Наталья Пономарева якшанба куни Крилатскийдаги Москва олимпиада эшкак эшиш каналида ниҳоясига етган халқаро мусобақада кўпкурашда ажойиб ғалабани қўлга киритди. У ўзи яхши ўзлаштирган турда, шунингдек слаломда учишда 2424 очко тўплади. (ТАСС).

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 7 июлда чиқади).

Редактор Н. НАСИМОВ.

СУД ҲУКМИДАН СЎНГ

БАЗАДАГИ ПОРАХЎР

ҚИШЛОҚ магазинига ўрта ёшлардаги аёл кириб келди. У ўзидан бошқа харидорларнинг чиқиб кетишини кутиб турди-да, ҳоли қолган сотувчига овозини пасайтириб гапирди:

— Қизим, тўй қилмоқчийдим, ўттиз-қирқ метр чит керак. Кеча сизларга келибди деб эшитдим. Хожатимни чиқаргин, онанг ўргилсин.

— Хўп холажон, — деди сотувчи хушмуомалалик билан, — фақат, озгина «шапкаси» бор-да...

Бу сотувчининг юраги бақувват экан — магазинда бозор савдосини қилиб, базадан «шапка» билан келган молнинг устига яна қўшимча «шапка» кийдириб пуллаяпти. Бироқ, Оҳангарондаги 41-магазиннинг айрим сотувчилари «қуён юрак» чиқиб қолишди. Улар магазин мудири Р. Хамитованинг камёб молларни «шапка» билан сотишга ундашига бир-икки рози бўлишди-ю, кейин иккиланиб қолишди. «Кўза кунда эмас, кунида синади. Бу «шапкалар» бугун бўлмаса, эртага бошимизга бало бўлади».

— Йўқ, устига нарх қўйиб ҳечнима сотмаймиз, — дейишди улар бир овоздан.

Мудира ҳайрон бўлди:

— Нега энди, мен фақат ўзим учун қилаётганим йўққу буни, менга «шапка»сиз беришмайди, уларга берганимни ёнимдан тўлайманми?

— Фондимизда борини олиб келаверинг-да, — бўш келмади сотувчилар.

— Шу фондимиздагиниям «шапка»сиз беришмаяпти, нахот буни билмасаларинг. Базада Абдумалик деган бир баднафс бўлим мудири бор — «шапкасини» кўрсатмасанг, саломингга алик ҳам олмайди. Сатиннинг ҳар метрига қирқ тийин, сочиқнинг ҳар бирига бир сўм «шапка» сўраяпти.

— Билмадик, нима қилсангиз қилинг, лекин биз «шапка» билан сотмаймиз!

Р. Хамитованинг боши қотиб қолди. Нима қилиш керак? Магазиннинг фонди бор, базада харидоргир моллар ҳам топилади. Лекин уларни «озгина қистирмай» олиб бўлмайди. Йўғ-ей, кошкийди озгина бўлса, ҳар битта сочиққа бир сўмдан тўлаб, кейин уни кимга сотасан? Ахир бу саноат моли, давлат қўйган нархи пешонасига ёзиғлик бўлса.

Бу Абдумалик тушмагурнинг иштаҳаси ўпқон экан. Саккиз юз метр сатин, саккиз юз метр чит, уч юз йигирмата сочиққа бир ярим минг сўм «шапка» сўраяпти, кўзини лўқ қилиб. Ҳеч нарсадан тап тортмаганини қара буни! Наҳотки ҳеч кимдан, ҳеч нимадан қўрқмаса?

Қизиқ, Абдумалик Абдусаломовга пора бериб ўша харидоргир молларни олиб кетса — ойлик давлат плани бажарилади, бўлмаса йўқ. Бунақа «судралиб» юрган мудирлар қанча. Абдумалик ва бошқа унга ўхшаганлар билан тил топишаётган мудирларнинг эса ҳамиша ошиғи олчи.

Улар планни ошириб бажаришади...

«Бироқ... бу қалтис йўл-ку! Абдумаликнинг жиғилдонига тиқилган «шапка»ни харидордан юлиб қолиш керакми? Бўлмаса кимдан бўларди, харидордан-да. Демак, куппа-кундузи одамларнинг чўнтагига тушиш керак. Хўп, бир марта тушарсан, кейин-чи? Ўзинг «тушиб» қолмайсанми?»

Мудира Р. Хамитова буларни ўйлайвериб, мияси ғовлаб кетди.. Пичоқ бориб суякка тақалди: у бир қарорга келди...

1983 йилнинг 24 июнь куни Р. Хамитова область матлубот жамиятининг Тўйтепадаги районлараро базасига кирди. Газмол бўлимининг омбор мудири Абдумалик Абдусаломов унга савол назари билан қаради. Магазин мудираси «олиб келдим» ишорасини қилди ва иккаласи газмоллар тахламини оралаб ичкарироқ кириб кетишди...

Орадан кўп ўтмай Абдумаликнинг рўпарасида бегона икки киши пайдо бўлди:

— Қани, Абдусаломов, ҳозир Хамитовадан пора олган 1170 сўмни чўнтагингиздан чиқаринг-чи?

— Қанақа... пора... нима... де—е—яп—сиз?.. — унинг тили ғулдираб қолди, ранги оқарди. Сўнг бир зумда ўзини тутволиб, сув сўради. Ҳеч нимага тушунмай ҳайрон бўлиб турган омбор ишчиларидан бири унга стаканда сув тутқазди. Абдумалик иккита хўплади-да, қолган сувга қўлини ювиб, арта бошлади. Унинг бу ҳаракатини рўпарасида турган область Ички ишлар бошқармасининг БХСС инспекторлари сезиб туришган эди. Инспекторлардан бири мийиғида илжайиб Абдумаликка деди:

—Беҳуда уринманг, барибир қўлингизда пулнинг доғи қолади.

А. Абдусаломовнинг уйи икки кун тинтув қилинди. Сири охири фош бўлиши — яширган пуллари топилишидан қўрққан Абдумалик Ички ишлар бўлими ходимларига «эркакча» йўлни таклиф қилди:

— Нима қиласизлар, мени ҳам ўзингизни ҳам қийнаб. Ўғил бола гап шу: юз минг сўм бераман—ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолсин!..

Инспекторлар «рози» бўлишди. Абдумалик томорқасининг бир чеккасига кўмилган шиша банкани олиб келди. Унинг ичидаги пул саналганида... 85 минг сўм чиқди!..

Демак Абдумалик қаерга юз мингу, қаерга саксон беш минг кўмганини унутиб қўйган...

Начора, орган ходимлари томорқанинг турли «участкалари»га кўмилган яна тўртта банкани топиб беришди. Улар ичидаги жами пул 291 минг 689 сўм чиқди!..

— Қаердан олгансиз, шунча пулни?

— Тошкентда Славик исмли боладан қимор ўйнаб, ютганман.

Бу жавобнинг ғирт ёлғонлиги кўриниб турса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши унинг «далили» текшириб кўрилди. Йўқ, Тошкентда юз минглаб сўм ютқазишга қодир бўлган Славик исмли қиморбоз топилмади. Сўнг, А. Абдусаломовнинг фаолиятини чуқур ўрганишга киришилди ва бу пулларнинг ҳаммаси «шапка», яъни пора сифатида олинганлигига далиллар тўпланди.

Энди ўттиз етти ёшга кирган Абдумалик 1980 йилдан буён область матлубот жамияти районлараро базасида ишлаб келган. У газмол бўлимининг мудири вазифасини эгаллаб туриб, бирон дона камёб буюм ёки бирон метр газламани «шапкасиз» чиқармасликни қоида қилиб олган. Бу ҳатти-ҳаракатлари билан у биринчидан сунъий камёбликни вужудга келтиришга сабабчи бўлган. Яъни, базадан «шапка» билан чиқаётган мол ўз-ўзидан равшанки, магазин пештахтасига қўйилиб давлат баҳосида сотилмайди. Пештахта тагидан сотилади. Табиийки, яна озгина «устама» нарх ҳам қўйилади. Масалан Абдумалик ҳар битта сочиққа бир сўм олган бўлса, магазинда яна шунча ёки унинг ярмича «шапка» кийдирилади. Иккинчидан, Абдумалик ўз қилмиши билан савдо тармоқларининг давлат планлари бажарилишига тўсқинлик қилиб катта зарар келтирган. Тўғрироғи, Абдумаликнинг оғзидан чиққанини муҳайё қилган айрим магазин мудирлари камёб молларни ўзига тегишли фонддан ҳам ортиқча олиб, планни «дўндириб» бажариб юраверган, Абдумаликни ё тушунмаган, ё «қурумсоқлик» қилган мудирлар эса ўзига тегишли фонддаги молларни ҳам ололмай, сарсон бўлиб юраверган.

Энди, А. Абдусаломовнинг магазин мудирлари билан «муомаласидан» бир-икки шингил эшитинг. Оҳангарон район матлубот жамиятининг «Олмалиқ» совхозида жойлашган магазини мудири Мария Хе 1980 йил 29 март куни магазин фонди бўйича 690 метр чит олгани базага келди.

— Хўп бўлади, — деди янги омбор мудири А. Абдусаломов айёрона илжайиб, — «шапкасини» дурустроқ узатасиз-да.

М. Хе қараса, бўлмайдиган. Ёнидаги бор саксон сўм пулни берди. Абдумалик ғариниб олди...

1983 йилнинг 19 апрель куни Оҳангарон районидаги 41-магазин мудири Р. Хамитовага фонд бўйича 800 дона сочиқ бериб, саккиз юз сўм «шапка» олди.

Ана шундай «шапка»лар шиша банкаларнинг ичига кириб, томорқанинг турли бурчакларида ер бағридан жой олаверди... Абдумалик, афсуски, бу ҳаром пуллар бир кун келиб ер тагидан илондек ўрмалаб чиқиб, ўзининг ҳиқилдоғидан олишини ўйламади. Очкўзлик, текин бойликка ҳирс қўйиш унинг бутун вужудини қамраб олиб гўё кўзларини кўр, онгини занглатиб қўйди.

Яқинда Тошкент область суди Абдусаломовни ўн икки йилга озодликдан маҳрум этиш, жазони кучайтирилган режимда ўташ тўғрисида ҳукм чиқарди.

Абдумалик каби айрим «шапкачи»ларнинг хиёнатлари туфайли камёб моллар то харидор қўлига, меҳнаткаш халққа етиб боргунича бир неча жойда «шапка» устига «шапка» кийдирилавериб, вазмингина «телпак»ка айланиб қолмоқда.

Ҳозир хилма-хил саноат моллари кўп, истаган нарса топилади, давлат томонидан савдо базалари ва дўконларга етарли миқдорда берилаяпти. Лекин минг афсуски, Абдумалик сингари айрим ҳаромхўрлар ҳам давлат мулкига, ҳам харидорлар ҳақига хиёнат қилишяпти. Баъзи камёб моллар «шапка» билан гумдон қилиняпти. Бироқ, ҳеч қандай жиноят изсиз, жазосиз қолмайди. Абдумаликка ўхшаш «шапка»ларни «тузлаш»га ишқибоз айрим нопок шахслар огоҳ бўлишсин!

З. АБАЗОВ,
Тошкент область Ички ишлар бошқармаси ОБХССнинг бўлинма бошлиғи, милиция капитани

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БЎЁҚЧИ — СУВОҚЧИ, БЎЁҚЧИ — ҚУРУВЧИ (бадиий безаш ва ганчкорликни биладиган), **ЭЛЕКТР — ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ПАРКЕТЧИ, ЙЎЛ МОНТЁРИ, БЕЗАКЧИ — ПЛИТКАЧИ, ҒИШТ ТЕРУВЧИ, ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИ БЛОКИРОВКАЛАШ ВА МАРКАЗЛАШТИРИШНИ СИГНАЛИЗАЦИЯЛАШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ — ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, СЛЕСАРЬ — САНТЕХНИК, ДУРАДГОР** (ёғочга ўйиб гул солувчи).

Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15,14 ЁШЛИЛАР ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ — ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга билим юртларини тугатгач тўлиқ ўрта маълумот ҳамда эгаллаган касблари бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга кунига уч маҳал иссиқ овқат ва бепул кийим — бош берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларнинг ишлаб топган меҳнат ҳақларидан 50 проценти уларнинг ўзига берилади. Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади. Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматини ўтаб қайтганлар учун ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келганлар темир йўлларни блокировкалаш ва марказлаштиришни сигнализациялаш бўйича слесарь — электромонтажчи ихтисослигига қабул қилинадилар. Улар учун ўқиш муддати 6 ой. Ҳар ойда 90 сўмдан стипендия берилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган ётоқхонага, ошхонага ва спорт залига эга.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари мавжуд.

Билим юртини аъло баҳоларга битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқиш учун йўлланма билан юбориладилар.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ЎТКАЗИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (ёки аттестат), характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3Х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза района. Слоним кўчаси, 113-уй (15, 23, 26, 61 автобусларнинг «Иззат магазини» бекати). Телефон 96 — 17 — 61.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ
21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—1985 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонт қилиш слесари ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи билан), **мева-сабзавотчилик усталари, чорва молларини ветеринария ишловидан ўтказиш ва молхоналарни дезинфекция қилиш операторлари, чорвачилик фермалари механизаторлари** (электромонтёрлик квалификацияси билан), **чорвачилик комплексларида ишлатиладиган ускуналарни ремонт қилиш слесарлари, чорвачилик усталари, 3-класс тракторчилари.**

БИЛИМ ЮРТИ 1962 ЙИЛДАН БУЁН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАШ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ КЕЛАДИ.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: Ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фототўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлр олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар. **Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил.**

Ўқишни битирган барча ўқувчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма берилади.

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист ва мева сабзавотчилик усталари группаларига фақат 8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади. Қолган мутахассисликлар бўйича 3 йиллик группаларга 8 синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10 синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8 ёки 10 синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Оржоникидзе районн «Геофизика» посёлкаси, Тошкент шаҳридан 1, 16, 24-автобусларда «Троицкий поворот» бекатигача борилади. Горький номли метростанциясидан 63-автобусда, 1-«Қорасув» бекати. Луначарский шоссеси «Центр» бекатидан «Тошкент—Чингелди», «Тошкент — Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА
7 ИЮЛДА
«ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИ БИНОСИДА
(Мир кўчаси, 15-уй)
халқ истеъмолидаги ортиқча молларнинг улгуржи савдоси бўйича

ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

Давлат савдоси ва матлубот кооперациялари, УРС ва ОРСлар улгуржи ва чакана савдо ташкилотларининг вакиллари ярмаркага таклиф қилинадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШҚАРМАСИ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —5, 6/VII да **Отелло**, 7/VII да **Парвона**.

Область партия комитети аппаратининг партия, касаба союз ташкилотлари область партия комитетининг масъул ходими Л. В. Аркога онаси

АРКО
Анна Владимировнанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.